## МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ:
### у қандай бўлиши керак!

**Маҳаллалар нуфузи ҳозир аввалгидан-да ортган, жамиятни шу сиёсий институт орқали бошқариш бугунги ўзбек демократиясининг ёрқин бир кўринишига айланиб, халқ ҳаётини бошқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.**

4 бет

## ОИЛА МАНФААТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

**Мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 40 фоизини ташкил этишини эътиборга оладиган бўлсак, мамлакатимизда бўлажак ёш оилаларни оилага тайёрлаш ҳамда юртимиздаги жами оилаларнинг 16 фоизини ташкил қилувчи ёш оилаларнинг барқарор фаолият юритиши учун улкан ишларни амалга ошириш лозимлигининг яққол гувоҳи бўламиз.**

12 бет


Mustaqillik huquq demakdir

# Huquq

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan

2008-yil 4-11-dekabr, № 49-50


ИФТИХОР

# Конституциямиз буюк бахтномадир

Мустақилликка эришганимиздан кейин маънавий жабҳаларда, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ва давлат қурилишида чуқур демократик ўзгаришлар юз берди. Яъни юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ва инсонпарвар фуқаролик жамияти қурилиши жараёни бошланди. Бу туб ўзгаришлар 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз орқали ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди. Юртбошимиз: «Халқи юз йиллар мобайнида озодликни орзу қилган Ўзбекистон чинакам мустақилликни қўлга киритиб, гуллаб-яшнаши ва фаровонликка эришиши, тараққий этган демократик давлатлар қатори халқаро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллаши – биз кўзлаётган олий мақсаддир. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси бунинг ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади», деб таъкидлаган эди.



Асосий қомусимиз – Конституция қабул қилинган куннинг ҳар йили нишонланиши мустақил ўзбек халқининг озодлик, эркинлик ва демократик, ҳуқуқий жамият қуриш йўлидаги тантанасидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўзбек халқининг иродаси акс эттирилган бўлиб, ҳуқуқ ва манфаатларимизнинг қонун билан қўриқланиши қафолатлаб берилган. Бош Қомусимизнинг катта бир бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» дея номланиб, у еттита бобдан ташкил топган. Улар билан танишиб, мустақил Ўзбекистонда фуқароларнинг демократик ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлари янгича тус олингани, давлат, жамият ва фуқаролар ўртасида демократияга асосланган янгича муносабатлар пайдо бўлганини англаш мумкин. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни кафолатлашдек устувор вазифалар қуйидаги уч асосий йўналишга эга:

1. Конституциямизда эълон қилинган ҳуқуқ ва эркинликларни доимо шакллантириб бориш, тараққий топтириш ва бойитиш.

2. Фуқароларимизнинг амалдаги ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш, кенгайтириш ва ҳуқуқий томондан таъминлаш.

3. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўғри амалга оширилишини таъминловчи, кафолатловчи конституциявий тамойилларни оғишмай татбиқ эта бориш.

«Бизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси энг демократик, халқаро миқёсда эътироф этилган меъёр ва талабларга жавоб беради, дейиш учун тўла асосимиз бор. Бугунги кунда Конституциямиз суверен давлатимизни қонуний-ҳуқуқий жиҳатдан шакллантиришнинг асоси бўлиб қолди», деган эди юртбошимиз. Бунга кўплаб мисоллар келтириб ўтиш мумкин. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳуқуқ, эркинлик ва бурчлар бобида халқаро эталон сифатида қаралади. Асосий Қонунимизда айнан мазкур декларациядаги, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактдаги, қолаверса, умумэътироф этилган ўттиздан зиёд энг муҳим халқаро ҳужжатлардаги муҳим қоидалар ўз ифодасини топган.

Кейинги йилларда давлат ижтимоий дастурлари, жумладан, «Соғлом авлод», «Она ва бола», «Сиҳат-саломатлик йили», «Оила йили», «Ижтимоий ҳимоя йили» ва бошқа дастурларни ҳаётга татбиқ этиш орқали мамлакатимизда инсоннинг, аввало, болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилгани ҳам шундан далолатдир.

Мамлакатимизни дунё тан олди, халқаро майдонда ўз нуфузига эга бўлиб бормоқда. Бунинг замирида Конституциямизда кафолатланган ҳуқуқ ва эркинликлар мужассам эканлигини айтиб ўтиш лозим. Яъни Бош Қомусимиз орқали Ўзбекистонда барча миллат ва элатларнинг ўзаро дўстлик, биродарлик, ҳамкорликда яшашларига ҳуқуқий пойдевор яратилган. Қолаверса, бу миллий истиқлол мафкурасининг асосий тамойилларидан бири саналади. Мамлакатда яшовчи халқлар ва элатларнинг суверен ҳуқуқлари, тенглиги, ўзаро ҳамкорликка, дўстликка асосланган демократик тамойиллари халқаро майдонда обрў-эътиборимиз ошишига хизмат қилмоқда. Шу ўринда яна бир омилни айтиб ўтиш лозим.

**(Давоми 2-бетда).**

**Шуҳрат УЗАКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори**

ТАДБИР

## Қизиқарли учрашувлар

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Олий ўқув курсларида бир ойлик муддатга чақирилган тингловчилар учун қизиқарли учрашувлар ташкил қилинмоқда. Узоқ вақт ҳуқуқ-тартибот соҳасида ишлаган, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган прокуратура фахрийси Абдулла Давлетов билан бўлиб ўтган учрашув ана шундай сермаҳсул учрашувлардан бири бўлди, дейиш мумкин. Унда бугунги кун прокурорининг жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишдаги тутган ўрни мавзусида алоҳида сўз борди. Шу маънода, тингловчиларнинг кўпчилиги учун устоз саналган Абдулла Давлетовнинг бу борадаги фикр-мулоҳазалари улар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Бундан ташқари, шу куни тингловчилар билан Бош прокуратуранинг «Huquq» газетаси ва «Huquq va burch» ижтимоий-ҳуқуқий журнали Бош муҳаррирлари ўртасида бўлиб ўтган давра суҳбати ҳам ўзига хос мазмунли кечди. Ушбу учрашувни ўтказишдан асосий мақсад, прокуратура органларининг жамоатчилик орасидаги ролини янада ошириш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашда ОАВ имкониятларидан тўлиқ фойдаланишдир. Учрашувда шу каби қатор белгиланган ишлар муҳокама қилинди. Давра суҳбатида жойлардан келган тингловчиларнинг ушбу газета ва журналга бўлган фикр-мулоҳазалари ва таклифларига доир саволларига Бош муҳаррирлар томонидан атрофлича жавоб берилди.

**Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,**
**«Huquq» мухбири**


*Обуна — 2009*

**Янги 2009 йилда ҳам «Huquq» газетаси сизнинг энг яқин ҳамкорингиз бўлиб қолади. Обуна бўлишга кеч қолманг!**


## Танлов ниҳоясига етди

**Таҳририят юртимиз мустақиллигининг ўн етти йиллигига бағишлаб «Мустақиллик ва ҳуқуқ» кўрик танловини эълон қилган эди. Ўтган давр мобайнида таҳририятимизга танловга деб 100 дан ортиқ мақола келиб тушди. Танлов талабларига жавоб берадиган кўплаб материаллар газетамизда чоп этилди. Танлов ҳайъати чоп этилган мақолаларни кўриб чиқиб, қуйидагиларни ғолиб деб топди:**

**«Конституция менинг тақдиримда»** рукни бўйича

*Асосий мукофот* — **«Ҳаёт дарслиги»** мақоласи *(47-сон, 20 ноябрь)*. Норбўта ҒОЗИЕВ, Қашқадарё вилояти прокуратурасининг «Адолат кучи» газетаси бош муҳаррири.

*Рағбатлантирувчи мукофот* — **«Суд-ҳуқуқислоҳотлари асоси»** мақоласи учун *(48-сон, 27 ноябрь)*. Анвар ЎТАЕВ, Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси.

**«Қонун ва шарҳ»** рукни бўйича

*Асосий мукофот* — **«Қонунчилик такомиллашмоқда»** мақоласи учун *(34-сон, 21 август)*. Дилшод КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари.

*Рағбатлантирувчи мукофот* — **«Солиқлар эркинлик кафолати»** мақоласи учун *(28-сон, 10 июль)*. Гулчеҳра РАЗЗОҚОВА, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК департаменти матбуот гуруҳи бошлиғи.

**«Ёшлар ва ҳуқуқ»** рукни бўйича

*Асосий мукофот* — **«Ҳаммаси ёшликдан бошланади»** мақоласи учун *(47-сон, 20 ноябрь)*. Эркин УСМОНОВ, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

*Рағбатлантирувчи мукофот* — **«Меҳрдан яралган дунё»** мақоласи учун *(23-сон, 5 июнь)*. Исроил ИБРОҲИМОВ, «Huquq»нинг Фарғона ва Андижон вилоятлари бўйича махсус мухбири.

**«Жиноят ва жазо»** рукни бўйича

*Асосий мукофот* — **«Халқ ризқига кўз тикканлар»** мақоласи учун *(23-сон, 5 июнь)*. Мираглам МИРЗАЕВ, Тошкент шаҳар прокурорининг биринчи ўринбосари.

*Рағбатлантирувчи мукофот* — **«Ўзлаштирилган нафақалар»** мақоласи учун *(32-сон, 7 август)*. Муҳаммаджон УМАРОВ, Фарғона вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси. Холиқназар ЖЎРАБОЕВ, журналист.

**Ғолибларни мукофотлар билан чин дилдан табриклаймиз!**

# Конституциямиз халқимиз тафаккури

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Конституцияда нафақат халқларнинг, балки давлатларнинг суверен ҳуқуқларини ҳурмат қилиш масаласига ҳам эътибор қаратилган. Яъни «Ташқи сиёсат» деб номланган бобда жумладан шундай дейилган: «Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади».

Яхши биламизки, Конституциянинг оддий қонунлардан фарқ қиладиган тамойиллари уни қабул қилиш ва ўзгартириш тартибининг мураккаблигидир. Аммо бу унинг қотиб қолган бир ҳужжат эканлигига хулоса бермайди. Ҳаёт ривожланиб, шаклланиб борар экан, у ҳам муайян қўшимча ва ўзгартишларни тақозо этади. Шу маънода Асосий Қонунга ўзгартиришлар киритилганини яхши биласиз. Масалан, 2002 йилнинг январь ойидаги референдумда халқимиз икки палатали парламент тузиш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлар муддатини узайтириш ғоясини қўллаб-қувватлади. Олий Мажлис халқимиз хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги конституциявий қонунларни қабул қилди.

Қомусимизнинг беқиёс ўрни Миллий армиямизда амалга оширилган изчил ислоҳотлар самарасида ҳам кўринади. Негаки ўзгаришлар, янгиланишлар учун конституциявий кафолатлар яратилаётган экан, бу борада ҳам ўзимизга хос, ўзимизга мос йўлдан бормоқдамиз.

Олий Бош Қўмондонимиз Ислом Каримов ўзининг «Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» китобида миллий армиямизнинг илк шаклланув жараёнлари ҳақида сўз юритар экан, шундай дейди: «...90-йиллардаги мураккаб иқтисодий вазиятга қарамасдан, биз ҳарбий қурилиш соҳасида олдимизда турган долзарб ва улкан вазифаларни ҳал этиш, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган моддий ва молиявий манбаларни излаб топиш мақсадида қаттиқ иш олиб бордик».

Дарҳақиқат, миллий армиямиз тамал тоши қўйилганидан эътиборан давлатимиз раҳбарияти бу долзарб масалага алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Маълумки, ҳарбий хизматчилар табиий, экологик қийинчиликларга қарамасдан ўз бурчларини виждонан бажаришади. Албатта, бунга жавобан давлатимиз уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаб, ҳарбий хизматчиларнинг табиий қийинчиликлар мавжуд бўлган ҳудудлардаги хизматини қонунчилигимизга биноан имтиёзлар билан кафолатланган. Шунга кўра, айрим ҳудудлардаги бир ҳарбий йиллик хизмат икки йилга, бир ярим йилга ҳисобланади. Шунингдек, бундай ҳудудларда бурчларини ўтаётган ҳарбийларимизнинг хизмат таътили 45 кун этиб белгиланган.

Яна бир муҳим ҳужжат ҳақида тўхталсак. Бу Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислом Каримовнинг 2006 йилнинг 14 январидаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисида»ги Низомдир. Ана шу муҳим ҳужжатнинг айнан Ватан ҳимоячилари кунида имзоланишида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Аниқроқ қилиб айтганда, бу мардлик касбини танлаган, ҳарбий хизматни Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи санайдиган юрт ҳимоячилари доимо давлатимиз эътиборида эканлигидан далолатдир.

Ушбу Низомнинг олтинчи бобида ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгиланган. Унда ҳарбий хизматчиларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда нафақа, тиббий таъминот ва бошқа кўплаб ижтимоий кафолат ҳамда имтиёзлардан фойдаланиши кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ҳарбий хизматчи таътил вақтида ёки хизмат жойини алмаштирганда давлат транспорт воситаларидан бепул фойдаланиши Низомда ёзиб қўйилган.

Давлатимиз ҳудудий яхлитлигини, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётини сақлаш, хизмат бурчини бажариш чоғида қаҳрамонларча ҳалок бўлган она-юрт ҳимоячилари байрамларда ёдга олинади, уларнинг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилади. Бу Конституциямизда ифодаланган инсонпарварлик ва инсонийликнинг олий қадрият даражасига кўтарилганидир. Мамлакатимиз, халқимиз ўз фидойи фарзандларини ҳар доим ва ҳамма вақт бошига кўтаради. Қолаверса, бу мардлик ва жасурлик кўрсатган ҳарбийларимизнинг оила аъзолари доимо маънавий қўллаб-қувватланишидан, ижтимоий муҳофазамизда эканлигидан ҳам далолат беради.

Мамлакатимиз иқтисодиёти тобора ривожланиб, устувор мақсадлар йўлида дадил одимлар ташлаяпмиз. Бунда ўз-ўзидан миллий армиямиз янада ривожланиб, ҳарбий хизматчиларимизнинг ижтимоий ҳимояси кучайиб бормоқда. Бобокалонимиз Амир Темур бежизга: «Бой мамлакатнинг аскари бақувват бўлур, аскари бақувват мамлакат бой бўлур», демаган, ахир. Қуролли Кучларимиздаги ислоҳотларнинг муҳим бир йўналиши миллий армиямизнинг жанговар қудрати ва маҳоратини юксалтирадиган куч – армия сафларидаги инсонларга, уларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилгани ўз самарасини бермоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, армияни том маънода армия қиладиган, ҳар қандай мураккаб вазият ва синовлардан ёруғ юз билан чиқишига асос бўладиган, унинг жанговар қудрати ва ҳарбий маҳоратини юксалтирадиган куч – бу армия сафларида хизмат қилаётган инсонлардир. Кейинги пайтларда бу соҳада қабул қилинаётган муҳим Фармон, қарорларнинг аксарияти армия сафларида хизмат қилаётган, юрт ҳимоясини ўзига касб деб билган ҳарбийларимизни янада кенгроқ ижтимоий ҳимоялаш, уларга турли имтиёзлар яратишга қаратилмоқда. Буни кейинги пайтларда амалга оширилаётган эзгу ишлар мисолида ҳам кўриб ўтишимиз мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарорига кўра муддатли ҳарбий хизматчиларнинг ойлик пул маошлари икки бароварга, хизматдан резервга бўшатилганда бериладиган пул миқдори эса энг кам иш ҳақининг 16 бараваригача оширилди. Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 31 октябрдаги Қарорига биноан муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган йигитларимизга бериладиган имтиёзлар тизими янада такомиллаштирилди. Ҳарбий қисм тавсияномасига эга бўлганлар республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тестда тўпланиши мумкин бўлган энг кўп баллнинг 25 фоизи миқдорида имтиёзга эга бўлишди.

Шунингдек, Қуролли Кучлар сафида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш, уларни замонавий шарт-шароитларга эга бўлган турар-жойлар билан таъминлаш мақсадида, 2007 йил 14 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчиларини турар-жой билан таъминлаш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди.

Конституциямизнинг муқаддимасида халқимизнинг хоҳиш-иродаси, тинчлик-фаровонликка, ҳуқуқий демократик ва инсонпарвар жамият қуришга бўлган интилиши, хуллас бугунимиз, нурли келажагимиз йўлидаги мақсадларимиз аниқ-равшан ифодасини топган. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, давлатимизнинг юзи, обрў-эътибори, ҳаётимиз қомуси бўлган Конституциямиз ҳаётимизни фаровон этиш, уни чинакам қонуний асосда қуриш, ўз ҳақ-ҳуқуқларимизни таъминлаш, инсонни олий қадрият деб ҳурматлаб унинг барча манфаатлари ҳимояси учун хизмат қилади. Шунинг учун ҳам у "Буюк Бахтнома" сифатида эҳтиромга сазовор бўлиб келмоқда.

# Конституциямиз буюк бахтномадир



**Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ва муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.**
*(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддаси).*

**Конституциямиз қабул қилинганидан буён ўтган ўн олти йил мобайнида ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамиятининг асослари мустаҳкамланди. Конституция ва қонунларнинг устунлиги жамият қурилишининг асосий тамойили бўлиб, давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар уларга амал қилиши шарт. Фарғона вилояти прокуратураси органлари конституцияда белгиланган ваколатлари доирасида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириб, қонунийликни таъминлаш борасида ишлашяпти. Жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олувчи, тараққиётга хизмат қилувчи қонунлар, Президентимизнинг, ҳукуматимизнинг фармон ва қарорлари ижросини таҳлил қилиб бориб, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишмоқда. Ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўришмоқда. Давлат манфаатлари, фуқароларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилишмоқда.**

# ФУҚАРОЛИК

Фуқаролик жамиятини барпо этиш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида кам таъминланган, серфарзанд оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга, қўллаб-қувватлашга оид Президентимиз қарорлари жамиятимизнинг инсонпарвар мазмун-моҳиятини ифодалайди. Вилоят прокуратураси органлари ушбу қарорлар ижросини мунтазам равишда ўрганиб боришяпти. Хусусан, жорий йилнинг ўн ойи мобайнида ўзини ўзи бошқариш органлари кам таъминланган 199 минг 510 та оилага 2 млрд. 889 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатишди. 154 минг 497 та оиланинг ўн олти ёшгача фарзандлари учун 22 млрд. 383 млн. сўмдан зиёд нафақалар беришди. 53 минг 194 нафар икки ёшгача фарзандли оналарга 21 млрд. 158 млн. сўм миқдорида нафақа тўлашди.

Афсуски, баъзи ўзини ўзи бошқариш органлари кам таъминланган, кўп болали оилаларга нафақа тайинлаш, моддий ёрдам кўрсатиш жараёнида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйишган. Нафақалар ғайриқонуний тайинланган ёки аксинча, нафақа тайинлаш асоссиз рад этилган. Чунончи, Фарғона шаҳридаги Ал-Хоразмий, Беруний, Алишер Навоий номли, «Оқариқ», «Навбаҳор» маҳалла фуқаролар йиғинларининг масъул ходимлари айрим оилаларга олти ойлик муддати ўтганидан сўнг ҳам нафақа тўлашни давом эттиришган. «Маърифат» маҳалла фуқаролар йиғини даромадлари етарли ёки белгиланган мезондан юқори бўлган оилаларга ноқонуний равишда нафақа тайинлаган.

Айрим маҳалла фуқаролар йиғинларида эса муҳтож бўлмаган хонадонлар қалбаки ҳужжатни тақдим этиб нафақа олишган. Ҳақиқатда муҳтож оилаларнинг аризалари асоссиз равишда рад этилган. Жумладан, Ўзбекистон туманидаги Қум маҳалла фуқаролар йиғинининг кенгаши вояга етмаган ва икки ёшга тўлмаган фарзандларига нафақа сўраб мурожаат қилган 11 нафар фуқарога асоссиз равишда нафақа ажратиб бермаган. Туман прокуратураси протест киритиб, ушбу қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйди.

Конституциямизнинг 37-моддасида меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқлари кафолатланган. Бироқ айрим иш берувчилар ишчи ходимларга иш ҳақларини ўз вақтида тўлашмаяпти. Вилоят прокуратураси органлари фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашяпти. Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-

# Ва ижодининг маҳсулидир.

*Ислом КАРИМОВ*




# УЛУҒВОР ҒОЯЛАР ИФОДАСИ

Ҳар бир давлат конституциясининг аҳамияти жамиятни умумбашарий ва миллий қадриятлар асосида ташкил этишда намоён бўлади. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси халқимизнинг адолатли давлат, фаровон жамият ҳақидаги асрий орзу-истакларини рўёбга чиқариб, унинг шакли ва маънавий қиёфасини белгилаб берди. Ўзининг тузилиши, йўналиши, мазмуни жиҳатидан аввалги конституциялардан принципиал равишда фарқ қилувчи миллий Конституциямиз дастлабки моддасидан тортиб, то охирги 128-моддасига қадар мустақиллик ғояси билан суғорилгандир.

Дунёнинг кўпгина мамлакатларида Конституция Асосий қонун дея эътироф этилади. Жумладан, Республикамизда ҳам. Бунга сабаб, у барча қонунларнинг негизини, асосини ташкил этади. Ана шу конституциявий-ҳуқуқий асос мустақиллигимизнинг ибтидосидаёқ давлат суверенитетимиз ва мустақиллигимиз келажагини сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш имконини берибгина қолмай, тараққиётимизнинг пойдевори бўлди. Умумэътироф этган халқаро ҳуқуқ нормалари, андозалари талабларига жавоб берадиган замонавий Конституциянинг қабул қилиниши — Ўзбекистонда демократик-ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш сари ташланган энг биринчи ва қатъий қадам бўлган эди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси «муқаддима»сида санаб ўтилган устувор меъёрлар Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаровий жамият қуриш, умуммиллий кўламда ва масъулият билан ўзбек халқи, ҳар бир фуқаромиз ҳаётининг маъноси, Ўзбекистоннинг энг улуғвор, эзгу мақсади эканлигини кўрсатиб турибди. Унда санаб ўтилган устувор меъёрлар Ўзбекистон халқи, ҳар бир фуқароси ҳаётининг маъноси, мақсади нечоғли улуғвор ва эзгу эканлигини умумбашариятга маълум қилади.

Конституциямизда жинси, миллати, ирқи, ёши, дини, эътиқоди ва ҳоказоларга қараб, инсон ҳуқуқларини муайян даражада камситадиган ҳеч бир модда йўқ. Аксинча, унда инсон ва унинг ҳаёти, шаъни қадр-қиммати улуғланади, инсон энг олий қадрият сифатида эътироф этилади.

Жаҳон ҳамжамиятининг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ютуқларига, демократик қадриятларга таянилганлиги билан бирга, Конституциямиз халқимизнинг миллий хусусиятларини ҳам ўзида акс эттира олди. Унинг халқаро андозаларга мос келиши, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси каби муҳим халқаро ҳуқуқий нормаларни ўзида мужассам этганлигини кенг жамоатчилик ҳамда хорижлик мутахассислар ҳам эътироф этишмоқда.

Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида жаҳон майдонига чиқди. Энг муҳими, фуқароларнинг эртанги кунга, буюк келажакка ишончи мустаҳкамланди. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, «...эришган ютуқларимизнинг, бугун кечаётган тинч ва осуда ҳаётимизнинг, эртанги кунимизга бўлган ишончимизнинг, халқаро майдонда ортиб бораётган обрў-эътиборимизнинг негизида Конституциямиз белгилаб, муҳрлаб берган қонуний ва ҳуқуқий асослар тургани ва уларни оғишмай ҳаётимизга татбиқ этаётганимиз мужассамдир».

Конституциямиз, қонунларимиз ва халқаро меъёр ҳамда қоидаларга тўлиқ амал қилган ҳолда олиб борилаётган бугунгиислоҳотлар мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида дадил қадамлар билан илгарилаб бораётганимизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбекистон Конституциясининг 15-моддасида белгиланганидек, мамлакатимизда Конституция ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдорлар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва унинг асосида яратилган қонунларга мувофиқ иш кўрадилар.

Конституция ва қонунларнинг устуворлиги ҳуқуқий демократик давлат ҳамда эркин фуқаролик жамияти қуришнинг энг асосий кафолати ҳисобланади.

Шубҳасиз, улуғвор ғояларни ўзида жамлаган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақил юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишда бундан кейин ҳам мустаҳкам кафолат бўлиб хизмат қилади.

**Худойберди НОРҚОБИЛОВ,**
**Республика Бош прокуратураси бошқарма катта прокурори**



**Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.**
*(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддаси).*

# ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ТАЯНЧИ

Асосий Қонунимизнинг муқаддимасида «Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ... халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда, ... инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат барпо этишни кўзлаб, ... ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур конституциясини қабул қилади» деган улуғвор сўзлар битилган.

Бу сўзлар қалбида ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғулари қарор топган ҳар бир ватандошимизни руҳлантирмай қолмайди. Улар инсонни фаолликка, эл-юртим деб яшашга ундайди. Шунинг билан бирга ҳар бир фуқаро мазкур муқаддиманинг ўзиданоқ Конституциямиз моҳиятини англай бошлайди.

Ана шу улуғвор ва жарангдор, шу билан бирга самимий ва равон жумлалар халқимиз юрагидаги орзуларни ифода этади.

Халқимизнинг асрий орзуси истиқлол самараси саналган миллий Конституциямиз мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, келажаги буюк давлат барпо этишимизда, порлоқ келажак сари интилишимизда маёқ вазифасини ўтаб келмоқда.Мана салкам ўн олти йилдирки, Асосий қонунимиз, ундаги ғоялар ҳаётимизга, онгимизга сингиб бормоқда.

Ҳар сафар Конституциямизни қўлга олиб варақлаган чоғимда, унинг жамиятимиз, давлатимиз, ҳар бир юртдошимизнинг бугуни ва келажагида нечоғли муҳим аҳамият касб этиши ҳақида ўйлайман. Агар ҳар биримиз уни ўргансак, унинг моҳиятини англай билсак ва амал қилсак, шубҳасиз, улуғ алломалар орзу қилган ва таъриф берган фозил инсонлар жамиятини барпо эта оламиз. Бошқача айтганда, биз учун адолатли жамият ва демократик-ҳуқуқий давлат қуришнинг мукаммал дастуриламали бор, у ҳам бўлса Конституциямиздир.

**Лола ШОМУРАТОВА,**
**Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси**

# ЖАМИЯТИНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш чораларини кўришмоқда. Хусусан, тўлов интизомига риоя қилмаётган, иш ҳақидан қарздор корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, масъул ходимлари, тижорат банкларининг бошқарувчилари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, қатъий чоралар кўрилгач, йил бошига нисбатан иш ҳақидан қарздор бўлган хўжалик фаолияти билан машғул субъектларнинг сони 85 тага камайди. Октябрь ойи учун корхона ва ташкилотларнинг ишчи-хизматчиларига 14 млрд. 21 млн. сўм иш ҳақи тўланиб, 1 ноябрь ҳолатига иш ҳақидан қарздорлик 2 млрд. 147 млн. сўмгача озайди. Бюджет ташкилотлари — халқ таълими, соғлиқни сақлаш, олий ва ўрта махсус таълим тизимида кечиктирилган иш ҳақларининг тўланиши учун зарур чора-тадбирлар кўрилди.

Вилоят прокуратураси органлари бу борада қонунбузилишига йўл қўйган корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларини маъмурий тартибда жавобгарликка тортиб, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини ундириш юзасидан судларга даъво аризалари киритишди. Хусусан, Бағдод туманидаги «Қишлоқхўжаликкимё» шўъба корхонасида 13 млн. 500 минг сўм иш ҳақи тўланмаганлиги аниқланиб, раҳбари А.Хўжаев ва бош ҳисобчиси Э.Мирзаумаров маъмурий жавобгарликка тортилди. Иш ҳақидан қарзни ундириш учун судга даъво аризаси киритилди. Иш ҳақидан 63 млн. сўм қарздор бўлиб қолган Олтиариқ туманидаги «Башорат» йўл қурилиш МЧЖси, 17,4 млн. сўм иш ҳақларининг тўловларини ортга суриб келаётган Қувасой шаҳридаги «МТП» акциядорлик жамиятининг мансабдор шахсларига нисбатан жиноят ишлари қўзғатилди.

Вилоятда йил бошидан бу борадаги қонунбузилишларни бартараф этиш, мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтириш мақсадида жиноий жавобгарликка тортишгача прокурорлик таъсир чоралари қўлланиб, судларга 1 млрд. 580 млн. сўмни ундириш юзасидан 1161 та даъво аризалари киритилди. Шунингдек, вилоят касаба уюшмалари бирлашмаси кенгаши томонидан жамоатчилик назорати тартибида ўтказилган текширишлар натижасида салкам 1 млрд. 200 млн. сўм иш ҳақлари тўланди.

Вилоят прокуратурасининг иш ҳақларини нақд пул билан таъминлаш, банкларга нақд пул тушумларини кўпайтириш борасидаги чора-тадбирлари туфайли иш ҳақидан қарздорлик сезиларли камайди. Иш ҳақини электрон пластик карточкалар орқали тўлаш хизматларини кенгайтириш — муаммони ҳал этиш йўлларидандир. Марказий банкнинг вилоят бошқармаси бошқарувчиси номига киритилган тақдимнома ўз самарасини берди. Пластик карточкаларнинг қўлланиши фаоллашди. Вилоят бўйича терминаллар сони 2035 тага етди ёки 396 тага кўпайтирилди. Банк муассасалари йил бошидан буён 370 минг 764 та пластик карточкаларга иш ҳақларини ўтказишди. Ёки, йил бошига нисбатан пластик карточкалардан фойдаланаётганлар сони 81 минг 977 нафарга ортди.

Вилоят прокуратураси органлари жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг, хусусан одам савдосидек жиноятнинг олдини олиш мақсадида меҳнат ва бандликка оид қонунларни таҳлил қилишяпти. Шаҳар ва туманларнинг прокуратуралари ташаббуси билан жойларда бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилиб, олий ва ўрта махсус билим юртларининг битирувчилари, катта ёшдаги касб-кор эгалари ўзларига мақбул ишларга жойлашишлари учун имконият яратилди. Айниқса, Фарғона шаҳар ҳамда Бешариқ туман прокуратураларининг бу борадаги фаолияти диққатга сазовор. Йил бошидан бери ўтказилган ана шундай тадбирларда 10 минг 252 нафар фуқаро ишга жойлашди.

Конституциямизнинг 36-моддасида белгилаб қўйилганидек, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Ушбу тамойилга мувофиқ равишда қабул қилинган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, касаначиликни ривожлантиришга оид ҳукумат қарорларини турмушга татбиқ этиш жараёнида ҳам 54 минг 367 та янги иш ўринлари яратилди.

Конституциямизнинг 41-моддасига асосан ҳар кимнинг билим олиш ҳуқуқи, бепул умумий таълим олиши давлат томонидан кафолатланган. Истиқлолнинг дастлабки йилларидан ёш авлод таълим-тарбияси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бўлиб келмоқда. Президентимиз 2008 йилни «Ёшлар йили» дея эълон қилиб, жамият диққат-эътибори, куч-ғайратини таълим-тарбияни сифат жиҳатдан юқори босқичга кўтаришга йўналтирди. Вилоят прокуратураси органлари «Ёшлар йили» давлат дастури ижросини таҳлил қилиб боришяпти. Ёшларнинг соғлом ўсиб улғайишлари, тўлақонли билим олишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар ўрганиляпти.

Болаларга таълим-тарбия беришда кўзбўямачилик, ўтилмаган дарс соатлари учун маош тўлаш ҳолатлари аён бўлди. Чунончи, Ўзбекистон туманидаги 63-умумтаълим мактабида умуман ишламаган физика ва кимё фани ўқитувчиси Т.Абдуллаевага дарс ўтгани ҳақида сохта табеллар тузилиб, уч ой мобайнида 211 минг 61 сўм иш ҳақи ҳисобланган. Тўлов қайдномаларига унинг ўрнига сохта имзо чекиб «маош» олиб турган мактаб директори Х.Мамадалиевга нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Фарғона туманида эса уч нафар «муаллим» сохта диплом билан ишга кириб, мактабларда дарс ўтишгани аниқланди. Ўзи саводсиз муаллимлар болаларга қандай сабоқ берсин?

Юқоридаги қонунбузилишлар «Ёшлар йили» давлат дастури бўйича қилинаётган ибратли ишларга соя сола олмайди.

Истиқлол туфайли жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва мавқеига эга бўлган мамлакатимизнинг Конституцияси асосида қабул қилинган қонунлар жамият тараққиётига, фуқароларнинг муносиб турмуш кечиришларига хизмат қилмоқда.

**Муродил ҚУРБОНОВ,**
**Фарғона вилоят прокурорининг ўринбосари**

# ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ ЧИҚДИ

Ержар маҳалла фуқаролар йиғини Собир Раҳимов номли кўча 28-уй 2-хонадонда истиқомат қилувчи Марат Қўнаров қариб қуюлмаганлар тоифасидан чиқиб қолди. Ёши олтмишдан ошган бу кимсанинг кўкнори экиш жиноят эканлигини билмаганига ишонгиси келмайди, кишининг. Кўпни кўрган бу киши гиёҳвандликнинг даҳшатли оқибатлари, унинг бекиёс зарари тўғрисида ёшларга, маҳалладошларига тушунчалар бериб, панд-насиҳатлар қилиш ўрнига ўзи кўкнори экиш билан шуғулланишини оқлаб бўладими? Йўқ, албатта.

Маълумки, кўкноридан бир неча хил гиёҳвандлик моддалари олиш мумкин. Бундай ҳаракат гиёҳвандликка йўл очиши турган гап. Шу боисдан ҳам кўкнори экишлик қатъий чекланган. Бундай ҳаракатлар учун жазо муқаррарлиги Ўзбекистон Республикаси жазо қонунчилигида ҳам очиқ-ойдин қайд этилган.

Мирзачўл тумани ИИБ ходимлари томонидан туман ҳудудида ўтказилган «Қорадори-2008» тадбири жараёнида Марат Қўнаров ҳовлисидаги ер майдонига экилган маккажўхори ичига 82 туп ҳамда ариқ атрофига 26 туп, жами 108 туп кўкнори гиёҳвандлик воситасини эккани, қонунга хилоф равишда парваришлаб етиштираётгани аниқланди. Зарарли экин ёқиш йўли билан йўқ қилиниб, 5 тупи ашёвий далил тариқасида олинди.

Судга оид кимёвий экспертизанинг 2008 йил 14 июндаги хулосасига кўра Марат Қўнаровнинг уйидан олинган 5 туп яшил рангли ўзига хос ўткир ҳидли ўсимликлар кўкнори гиёҳвандлик воситаси эканлиги қайд этилган. Судга оид наркологик экспертизанинг 2008 йил 1 июлдаги далолатномасига кўра Марат Қўнаров гиёҳвандлик касаллигига йўлиқмаганлиги кўрсатилган.

Марат Қўнаров айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, кўкнорини истеъмол қилиш мақсадида ўзи экканлигини маълум қилди.

Суд судланувчи Марат Қўнаров тақиқланган экинларни етиштиришда ифодаланган ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 270-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган деб топди.

Жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман судининг 2008 йил 14 август куни Мирзачўл тумани суди биносида бўлиб ўтган суд мажлисида судланувчи Қўнаров Маратга унинг муқаддам судланганлигини оғирлаштирувчи ҳолат, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймон эканлигини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жарима жазосини қўллашни лозим деб топди. Унга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш баравари миқдорида жарима белгиланди.

**Бахтиёр АРАЛОВ,**
**Мирзачўл туман прокурори**

**Андижон вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 августдаги «2008 йил ҳосили учун пахта хом ашёсини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишни таъминлашга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор ишлар амалга оширилди.**

**Бунда асосий эътибор хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, хусусий тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлашга, қонунийликни мустаҳкамлаш, хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор иштироки самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишга қаратилди.**

# ШАРТНОМА НЕГА БАЖАРИЛМАДИ?

Қонунчилик аҳволига доир маълумотларга кўра 2008 йил ҳосилидан вилоят бўйича 7137 та фермер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 347 минг 652 тонна пахта хом ашёси етиштириш бўйича контрактация шартномалари тузилганди.

Пахта хом ашёсини нобудгарчиликсиз йиғиштириб олиш, сақлаш ва республика ҳудудидан четга ноқонуний олиб чиқилишининг олдини олиш мақсадида вилоятда 9 та божхона, 8 та МХХ, 134 та жамоатчилик, 89 та ИИБ ҳаракатдаги постлари, 53 та чегара назорат ўтказиш пунктлари, 2 та йўл патрул хизмати масканлари, 8 та ИИБ назорат кузатув масканлари ташкил этилди.

2008 йил 10 ноябрь ҳолатига кўра, вилоят бўйича 308 минг 843 тонна ёки йиллик режанинг 104,16 фоизи миқдорида пахта хом ашёси тайёрланиб, 4755 та фермер хўжаликлари белгиланган шартномавий режани бажардилар.

Бироқ вилоятдаги айрим фермер ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари томонидан 2008 йил ҳосили учун пахта хом ашёси етиштириш борасида белгиланган шартнома мажбуриятлари бажарилмагани, агротехника талабларига риоя этилмагани, вегетация даврида ҳосилни ўз вақтида суғориш чоралари кўрилмагани аниқланди. Бундай масъулиятсиз фермер хўжаликлари 1521 тани ташкил этган. Бунинг оқибатида ҳосилни етиштириши учун талаб қилинган моддий-техника ресурслари ва кўрсатилган хизматлар ҳисобидан қарздорликлар юзага келган.

Уларга нисбатан умумий қиймати 5 млрд. 767 млн. 559 минг 970 сўмлик даъво аризалари кўзғатилиб, кўриб чиқиш учун вилоят хўжалик судига юборилди.

Шу жумладан, фермер хўжаликлари томонидан топширилмаган пахта хом ашёси қийматининг 25 фоиз миқдорида 1 млрд. 523 млн. 857 минг сўмлик жарима, етказиб берилган минерал ўғитлар учун 1 млрд. 378 млн. 69 минг сўмлик қарздорликлар, банкнинг имтиёзли кредитларидан 1 млрд. 111 млн. 390 минг 385 сўмлик асосий қарзи ва кўрсатилган техника хизматлари учун 289 млн. 409 минг 639 сўмлик қарзларини ундириш юзасидан даъво аризалари Андижон вилоят хўжалик судига киритилди. Хўжалик судининг сайёр судларида мазкур даъво аризалари кўриб чиқилиб, юзага келган қарздорликларни ва жарималарни тўлиқ ундириш тўғрисида ҳал қилув қарорлари чиқарилди.

Контрактация шартномалари бўйича топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдорида жарима ва асосий қарзларни ундириш билан боғлиқ барча хўжалик ишлари сайёр суд мажлисларида прокурор иштирокида кўриб чиқилиб, тўлиқ қаноатлантирилди.

Барча фермер хўжаликлари раҳбарлари шартнома тузишдан олдин уни бажаришни ўйлаши, далалардаги ишларни шунга муносиб тарзда ташкил этиши лозим. Чунки халқимизда лафзсизлик хунук хислат ҳисобланади. Ориятли борлар ўз сўзларининг устидан чиқади.

**Олимжон СОЛИЕВ,**
**Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси**

# 8000 ДОЛЛАР ВА БИР СУМКА ҚОР

Орамизда меҳнат қилмасдан, машаққат чекмасдан бир кунда бойиб кетиш, миллионер бўлиш истагидаги хомхаёл билан юрганлар ҳам йўқ эмас. Қўқон шаҳрида яшовчи, 1983 йилда туғилган Азиз Усмонов шунақалар сирасидан. Ёшлигидан бирор бир касб ёки ҳунарнинг бошини тутмасдан, нон топишда тирикчиликнинг турли кўчаларига кириб кўрди. Лекин, борган жойда ғайрат ва масъулият билан ёндашмагани сабаб ҳеч қаерда узоқ ишлаб қола олмасди.

Охир-оқибат у Қўқон шаҳар бозорида қонунга хилоф равишда валюта қимматликлари олди-сотдиси билан шуғуллана бошлади. Бироқ, бу ерда ҳам унинг омади чопмади. Тўғрида, киши ғирром бўлса, иши бароридан келмайди. Азизга мурожаат қилганларнинг аксарияти унинг ишидан норози қоларди. Бирида пул кам чиқса, бошқа сафар вақтида пул ололмасди. Шу йўсинда давом этган «тадбиркорлик» фаолияти унга истагидаги даромадни олиб келмади.

Ишларидан кўнгли тўлмаган Азиз ўз олдига нима бўлса-да катта пул топиш мақсадини қўйди. Кунларнинг бирида унинг бошига қалтис бир фикр келди. Кўп ўйламай режа тузиб, уни амалга оширишга киришди. Режага мувофиқ у каттароқ маблағ айлантирадиган «валютачи»ни тузоққа илинтириб, тунаши керак эди.

Ким нишон бўлиши лозимлигини Азиз узоқ ўйламади. Охирги икки йил ичида у жуда кўп маротаба Қўқон бозорида ноқонуний равишда валюта қимматликлари олди-сотдиси билан шуғулланиб юрувчи, 1974 йилда туғилган Ж.Холматовдан турли миқдорда валюта сотиб олган ва сотган эди.

Нишон танланганига қарамай уни тунаш осон эмасди. Шунда талончи антиқа усул ўйлаб топди. 2008 йилнинг 26 январи кечки соат саккизларда Азиз Ж.Холматовнинг уйига бориб, унга 8000 АҚШ доллари зарурлигини, бунга яраша сўми борлигини айтиб, алмаштириб беришни сўради.

Ж.Холматов унинг таклифига рози бўлди. Шунда Азиз ҳийла ишлатиш вақти келганини сезиб, уни тузоққа илинтиришга киришди. Ж.Холматовнинг «сўмларни олиб келавер, доллар тайёр» деган гапига, «ака, отам катта пул билан кўчага чиқишга рухсат бермаяпти, сиз ўзингиз келақолинг, уйда ишни пишириамиз», дейди. Катта даромадни қўлдан чиқаришни хоҳламаган «долларфуруш» боришини айтиб, ҳийлакор тузоғига лаққа тушади.

Бир соатлар кейин Азиз «долларфуруш»га телефон қилиб, келиши мумкинлигини, пуллар тайёрлаб қўйилганини айтади. Шу куни соат 21 ларда Ж.Холматов ўзининг «Тико» русумли автомашинасида Азиз Усмоновнинг уйига йўл олади. Аввалроқ, Азиз айтганидек, автомашинасини кўча бошига қўйиб, келганини билдириш учун «қаҳрамонимиз»га қўнғироқ қилади. Кўп вақт ўтмай, Азиз қўлида катта сумка билан уйидан чиқиб келади. Тикога ўтириб, сумкада саккиз мингга етарли пул йўқлигини, қолган қисмини акасининг уйидан олиб беришини айтиб, машинани ўша томонга ҳайдашни илтимос қилади.

Айтилган манзилга яқинлашгач, у Ж.Холматовга кўпқаватли уйларнинг ўртасида тўхташни, у ёғига пиёда бориб келишини билдириб, автомашина эшигини очгандай бўлади.

Шу пайт Ж.Холматов бўйнига пичоққа ўхшаш жисмнинг текканидан саросимага тушади. Азиз Усмонов жиноий режасини амалга ошириш мақсадида ўзи билан олиб келган пичоқни унинг бўйнига тираб турарди. Жон талвасасида Ж.Холматов пичоқнинг тиғ қисмини маҳкам ушлаб олди. Ҳаёт учун курашда у пичоқнинг тиғини синдириб юборади. Вазиятнинг бундай тус олишини кутмаган жиноятчи ичига ғулғула тушиб, автомашина ойнасини синдириб, ўзини ташқарига отади ва воқеа жойидан яширинади.

Бўлиб ўтган воқеадан гандираклаб қолган Ж.Холматов бироз муддат ўтиб ўзига келади. Не кўз билан кўрсаки ичида пул бор дейилган сумка тепасигача лиқ қор билан тўлдирилган экан.

Жиноятга жазо муқаррар. Тез орада «омадсиз қотил» ушланиб, одил суд ҳукмига ҳавола этилди. Суд ушбу ишни атрофлича кўриб чиқиб, жиноятчини қилмишига яраша жазолади.

Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш лозимдир. Ж.Холматовнинг хатти-ҳаракатларида Жиноят кодексининг 177-моддасида назарда тутилган «Валюта қимматликларини ноқонуний равишда алмаштириш» аломатлари мавжуддир. Инсонпарварлик тамойилларига асосланиб, суд унинг жабрланувчи эканлигини, жиноятни фош этишда ёрдамлашганини инобатга олиб, жиноий жавобгарликдан озод қилди.

**Ҳаётбек ШАМСУТДИНОВ,**
**Бош прокуратура бўлим прокурори**

# ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА...

— Ўткир, Билолни танирмидинг? Ҳа, ўша, ҳамқишлоғимиз, Тошкентда ўқийдиган-чи?! Ўша болани яхши «связ»лари бор экан. Анча-мунча одамни ишлашга Кореяга жўнатганмиш.

— Қулоғимга чалингандек бўлди. Нимага сўраяпсан? Нима, сен ҳам кетмоқчимисан?

— Нима бўпти? Мана, ҳатто тоғам ҳам томорқасини сотиб, пулини Билолга берибди-ку! Сени билмадиму Тўланбой, аммо мен бу нарсага қизиқиб қолдим.

Хуллас, икки оғайни сўраб-суриштириб, Билолиддиннинг телефон рақамини топишди. Унга қўнғироқ қилиб, маслаҳат қилишди. Билолиддин ҳақиқатан ҳам Кореяга ишга юбориш мумкинлигини, бунинг учун камида 5500 доллар керак бўлишини, яхши ишлашса, чиқимнинг ўрни тезда қопланиб кетишини айтиб, уларни янада қизиқтириб қўйди. Қариндош-уруғ омон бўлсин, орадан кўп ўтмай қарз-қавола билан айтилган маблағ йиғилгач, улар пойтахтга йўл олишди. Билолиддинни топиб, пулни унга топширишди. Ундан бир ой ичида Корея сари йўлга чиқишлари ҳақидаги ваъда билан тилхатни олиб, тиббий кўрикдан ҳам ўтишди. Орада корейс тилини ўрганиш учун ўқув марказига қатнашни ҳам унутишмади.

«Миш-миш» тез тарқайди. Тўланбой билан Ўткирнинг Кореяга ишлашга кетаётганликлари ҳақидаги гаплар зумда оғиздан-оғизга ўтиб, бошқа қишлоқдошларни ҳам қизиқтириб қўйди. Аввалига Бахтиёр 2500, сўнгра Анвар 5500, Равшанбек 5500, Дилшод 6000, Азимжон эса нақд 11000 АҚШ долларини ўз қўллари билан Билолиддинга тутқазишди. Билолиддин бўлса, ишончли бўлиши учун ўз навбатида уларнинг айримларининг паспортларини ҳам олиб, ваъдани қуюқ қилди.

Тиббий кўрикдан ўтиб, корейс тилини ҳаминқадар ўрганган ҳамқишлоқларнинг кута-кута сабр-тоқати тугади. Охири ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига мурожаат қилишга мажбур бўлишди. Жорий йилнинг октябрь ойида жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судида бўлиб ўтган суд жараёнида ушбу жиноий иш кўриб чиқилди. Гарчи Билолиддин Отабоев ҳамқишлоқларидан олган пулларни Кореяга жўнатиш учун эмас, балки тижорат билан шуғулланиш мақсадида қарзга олганини таъкидлаб, маблағларни эгаларига тўлиқ қайтарганлигини айтса-да, суд жабрланганларнинг кўргазмаларини тинглаб, унга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Билолиддин-ку жазосини олди. Лекин унинг ҳамқишлоқлари-чи? «Одам савдоси» дея аталмиш иллат хавф солиб турган, дунё ҳамжамияти унга қарши курашга бел боғлаган бир паллада уларнинг тутган йўлини қандай тушуниш мумкин? Шукрки, улар фақат моддий томондангина жабр кўришди. Пулларини ундиришди ҳам. Акс ҳолда...

**Баҳодир ПЎЛАТОВ,**
**Шайхонтоҳур туман прокурори**

# КОНСТИТУЦИЯГА БАҒИШЛАНДИ

Ҳаммамизга маълумки, муҳтарам Президентимиз томонидан 2001 йилнинг 4 январида Конституцияни ўрганиш борасида алоҳида Фармойиш қабул қилинганди. Шу комил инсон деб ҳисобловчи ҳар бир Ўзбекистон фуқароси Конституциямизни, унинг ҳар бир моддасини пухта ўрганиши лозим.

Андижон вилоят прокуратураси ва жойлардаги прокуратуралар томонидан бу борада тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Ана шунга кўра турли тадбирлар уюштирилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири ўтган ҳафтада Бўз педагогика коллежида бўлиб ўтди.

Дарҳақиқат, Конституция ҳуқуқларимиз тизимининг мустаҳкам пойдеворидир. У халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Унда халқнинг мақсади, иродаси, давлатнинг қиёфаси, унинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий тизимининг демократик табиати, унинг умуминсоний қадриятларга нақадар содиқлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада ҳимояланганлиги кўрсатилган.

Юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро Конституциямизни ва унинг асосида қабул қилинган қонунларни ҳурмат қилиб, уларга амал қилгандагина, ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қурилишдаги саъйи ҳаракатларимиз зое кетмайди. Тадбирда ана шулар ҳақида сўз борди.

— Мазкур тадбир икки жамоамизнинг Тошкентга беллашувга кетиши олдидан уюштирилгани айни муддао бўлди. Ҳуқуқшунослик жамоамиз «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг вилоят босқичида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, республика босқичида иштирок этишга йўлланма олди. Яна бир жамоамиз эса «Ўйла, изла, топ» телевидидя иштирок этади. Ўйлайманки, бугунги тадбирдан олган таассуротлари уларга, албатта кўмак беради, — деди коллеж директори, филология фанлари номзоди Раънохон Содиқова.

Очиқ мулоқот тарзида ташкил этилган мазкур тадбирда Андижон вилоят прокурорининг ёрдамчиси О.Каримов, Бўз тумани прокурори М.Абдувалиев ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

**М.ОРТИҚОВА, журналист**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МУҚАДДАС

**Ҳуқуқий-демократик давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланганлиги боис, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси» меъёрларига уйғун яратилган миллий қонунчилигимиз инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилмоқда. Шу билан бирга инсон ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган миллий қонунчилигимиз ҳам йилдан-йилга такомиллаштирилиб борилмоқда.**

Шу аснода янги таҳрирда қабул қилинган «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунда фаолияти жамиятда қонун устуворлигини таъминлашга йўналтирилган, қонунбузилишларни тезликда бартараф этадиган, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида жамият талабларига жавоб берадиган прокуратура органларининг мақсад ва вазифалари тубдан ўзгарди. Бу эса бежиз эмас. Зеро, Юртбошимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида сўзлаган нутқида ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишда, демократик жамият ва ҳуқуқий давлатни барпо этишда прокуратура органлари ҳал қилувчи ўрин тутишини таъкидлаб, жумладан шундай деган эди: «Такрор-такрор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимият обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди».

Шунингдек, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциялари кучайтирилди. Шу мақсадда Қонунга махсус боб киритилиб, унда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бевосита ҳимоя қилиш ҳамда бу борада қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш ваколатлари ўз ифодасини топди.

Таъкидлаш жоизки, прокурорнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциялари, шу жумладан, судга даъво аризаси тақдим этиш, авваламбор, алоҳида ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган ва бошқа сабабларга кўра ўз ҳуқуқини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Прокуратура органлари мазкур йўналишда ўтказаётган текширишларда аниқланган ҳар бир қонунбузилиш ҳолатига қатъий муносабат билдирилиб, фуқароларнинг ҳуқуқларини тиклаб, манфаатларини ҳимоялаш чоралари кўрилмоқда.

Бу борада айниқса, фуқароларнинг мурожаатлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш алоҳида ўрин тутади.

Бош прокуратуранинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси ходимлари ҳам мазкур йўналишдаги фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни, Бош прокурорнинг ушбу масаладаги тегишли буйруғи ҳамда ҳайъат қарорлари талаблари асосида олиб бормоқдалар.

Жорий йилнинг 6 ойи давомида бошқармага 1678 та ариза ва шикоят келган бўлиб, улар асосан, уй-жой, ижтимоий таъминот, меҳнат, соғлиқни сақлаш, ер, ёнилғи, энерго-ресурсларнинг сақланиши, фуқароларнинг мурожаатлари, тадбиркорлик ҳамда мулкни сақлашга қаратилган қонунларнинг бузилаётганлиги ҳақида бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан умумий ҳисобда бир мунча кўпайгандир. Бунга айрим ҳудудларда ариза ва шикоятларнинг жойлардаги мутасаддилар томонидан синчиклаб текширилмаслиги ҳамда мурожаатларга жиддий муносабат билдирилмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Аризаларнинг назоратга олиниши ҳамда жойлардаги прокуратура органларига юборилиши натижасида фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиб, тегишли прокурорлик таъсир чоралари кўрилган. Жумладан, қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 10 та тақдимнома киритилди. Прокурорларнинг қарор ва тақдимномалари асосида 6 нафар шахс интизомий, 13 нафари маъмурий жавобгарликка тортилиб, 25 та ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Судларга 49 млн. сўм ва 250 минг АҚШ долларини ундириш юзасидан 38 та даъво аризалари киритилди.

Конституциямизнинг 15-моддасида қонунларнинг асосий ижрочилари, яъни давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар, деб белгилаб қўйилган. Бу уларнинг конституциявий вазифасидир. Афсуски, бу қонунларни ҳурмат қилмайдиган, унинг талабларини ўзи хоҳлагандай ва ўз манфаатларида талқин қиладиган, ушбу конституциявий вазифасини бажармай, қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўядиган мансабдор шахслар ҳам йўқ эмас. Қонунбузилиши эса ҳар қандай ҳолатда ҳам кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқаради. Оқибатда, кимдир ўзининг қонуний ҳуқуқидан фойдалана олмайди, кимнингдир ҳуқуқи бузилади, кимгадир моддий зарар етказилади, кимдир ноқонуний жавобгарликка тортилади, судланади ва ҳоказо.

Бундай салбий ҳолатлар ва қонунбузилишлар оқибатида юзага келадиган адолатсизлик эса ҳуқуқий муносабатларнинг асосий субъектлари бўлмиш — давлат, жамият ва инсон манфаатлари ўртасидаги уйғунлик ва барқарорликка зиён етказади.

Буни қуйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, бошқарма томонидан фуқаро У.Аҳмедов ва бошқаларнинг аризаси текширилганда, «Турон марказқурилиш» акциядорлик жамияти ходимлар бўлими бошлиғи З.Қарамонова Оққўрғон туманида яшовчи фуқаро А.Марипов билан тил бириктириб, фуқароларни хорижга ишга жўнатиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия олмасдан, алдаш йўли билан Оққўрғон туманида яшовчи 15 нафар фуқарони Қозоғистон Республикасига ишлаш учун жўнатиб, хизмат ҳақи учун 849 минг сўм пул олганликлари аниқланди. Прокуратура аралашуви билан фуқаролардан алдов йўли билан олинган пуллар эгаларига қайтарилди. З.Қарамонова ва А.Мариповларга нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Фуқаро З.Ибрагимова бўлса, уйи бузилаётганлигига қарамай, товон пули берилмаётганлигидан норози бўлиб, амалий ёрдам сўраган. Аризани ўрганиш жараёнида махсус комиссия томонидан фуқаро З.Ибрагимованинг уйи бузилиши ва унинг уй-жой иморатлари учун 6,1 млн. сўм товон пули тўлаш белгиланганлиги аниқланди. Бузиладиган уй учун товон пули эвазига давлат томонидан коттедж қуриб берилиши таклиф қилинганда, Ибрагимовлар рад жавобини беришди. Шу боис уларга 3,1 млн. товон пули тўланиб, уй-жой қуриш учун 6 сотих ер майдони ажратиб берилди. Шунингдек, бузиладиган уй-жойнинг қурилиш материаллари З.Ибрагимованинг ихтиёрида қолдирилиб, қурилиш материалларини янги уй-жой қуриш учун ажратилган ер майдонига етказиб бериш учун бепул ишчи кучи ва транспорт воситалари билан таъминланди. Бундан ташқари, Ибрагимовлар оиласига янги уй-жой қуриш учун зарур бўлган 5 тонна цемент биржа нархида олиб берилиб, қум ва шағал бепул етказиб берилди.

Ёки, Юнусобод тумани Х.Саматов кўчаси 25-уй, 30-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Н.Криушеванинг туман профилактика нозири томонидан унга тегишли уйнинг том қисми бузилганлиги ҳамда туман ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар бинолардан фойдаланиш департаменти ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги аризасини олсак. Маълум бўлишича, 2006 йил 26 январда Тошкент шаҳар ҳокимининг «А.Қаюмов ва Муртозоев кўчалари оралиғидаги ҳудудни қурилиш ишларига тайёрлаш ҳақида»ги ҳамда 2007 йил 29 ноябрда «А.Қаюмов кўчасини таъмирлаш ва кенгайтириш ҳамда А.Қаюмов ва Пушкин кўчалари кесишуви транспорт схемасига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги тегишли қарорлари қабул қилинган. Мазкур қарорларга кўра, Тошкент шаҳар Х.Саматова кўчасидаги 6-уй ва 25 уйнинг бир қисми, яъни Н.Криушеванинг тегишли 30-хонадон ҳам бузилиш зонасига тушган.

Текшириш жараёнида фуқаро Н.Криушеванинг 2006 йил 29 сентябрдаги тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун берган аризасига кўра, Юнусобод туман ҳокимининг 2006 йил 2 октябрдаги қарори билан 2 хонали, умумий майдони 63,32 м.кв. бўлган Х.Саматова кўчасидаги 25-уйнинг 30-хонадони нотурар жой тоифасига ўтказилганлиги аниқланди. Мазкур нотурар-жой биноси фуқаро Н.Криушевага Яккасарой туманида жойлашган «Исток Архидея» хусусий корхонаси билан 2007 йил 19 сентябрда тузилган ижара шартномаси асосида берилган экан.

Прокуратуранинг аралашувидан сўнг Юнусобод тумани Муртазоев кўчаси 4-уй манзилидаги бинонинг умумий майдони 155 м.кв. бўлган қисмини ҳамда Юнусобод тумани 2-мавзе, 7-уй, 154-хонадонни тегишли тартибда фуқаро Н.Криушевага бериш тўғрисида Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори қабул қилиниши таъминланиб, фуқаро Н.Криушеванинг қонуний ҳуқуқи тикланди.

Ёки яна бир мисол, «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси ишчиларининг раҳбарият томонидан интизомий жазо қўлланилганидан норози бўлиб ёзган аризаси юзасидан текширув ўтказилиб, иш ҳақидан асоссиз равишда ушлаб қолинган жарима суммасини эгаларига қайтариб тўланиши ҳақида протест келтирилди. Натижада 663 нафар фуқаронинг адолатга бўлган ишончи мустаҳкамланди.

Ачинарлиси, бошқармага келаётган аризаларнинг орасида иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши билан боғлиқ шикоятлар ҳали-ҳануз учраб турибди. Масалан, прокуратуранинг аралашувидан сўнг Шўрчи тумани «Шўрчи пахта» ОТАЖ ишчиларининг 5 млн. 645 минг сўм, «Баҳром газ жиҳоз» МЧЖ ишчиларининг 2,4 млн. сўм ойлик маошлари ундириб берилиб, аризалар қаноатлантирилди.

Сирдарё вилояти Ховос тумани фуқароларидан нафақа пуллари берилмаётгани ҳақидаги ариза юзасидан ўтказилган текширувда тумандаги алоқа бўлими кассасида 77 млн. сўм нақд пул тарқатилмасдан турганлиги аниқланиб, алоқа бўлими бош ҳисобчиси Л.Мироновага нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисидаги иш қўзғатилди. «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Сирдарё вилояти раҳбари Т.Сайфуллаев номига тақдимнома киритилди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, прокуратуранинг асосий вазифаси қонун устуворлигини таъминлаш экан, аввало қонун устуворлиги деганда унинг талабларини оғишмай, бир хилда бажарилишини тушунмоғимиз керак. Лекин юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, қонун талаблари бажарилмаяпти ёки бузилмоқда.

Қонунни биладиган, ҳуқуқий савияси юксак бўлган инсон, хоҳ у мансабдор шахс ёки оддий фуқаро бўлсин, унинг талабларини бузмасликка, уларни масъулият билан бажаришга интилади ва бошқаларни ҳам шунга даъват қилади. Шундай экан, биринчи навбатда қонунларни ўрганиш йўли билан фуқароларимизнинг ҳуқуқий онгини ошириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бугунги кунда, бу ишга панжа орасидан қарамаслигимиз, аксинча, болалар боғчасидан бошлаб олий ўқув юртларигача тизимли равишда фаолият олиб боришимиз лозим. Шундагина кўзланган мақсадга тўлақонли эришиш мумкин бўлади.

**Ислом ЖАСИМОВ,**
**Бош прокуратура бошқарма бошлиғи**

# ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИ

## унда ғирромликка ўрин йўқ

Маълумки, аграр соҳа мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи саналади. Бинобарин истиқлолнинг ўтган ўн етти йили мобайнида тизимда ўтказилган ислоҳотлар кўлами жуда кенг. Айниқса, фермерлик ҳаракатининг йўлга қўйилиши бу саъйи ҳаракатларнинг энг эътиборли ва энг самаралиси бўлди.

Яъни деҳқонда ерга нисбатан эгалик ҳисси ортиб, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиляпти. Аммо бу фикрни ҳамма фермер хўжаликларига нисбатан ҳам ишлатиб бўлмайди. Негаки айрим фермерлар ерни олишга олиб, ундан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланишяпти.

Масалан, 2008 йилнинг 8 майида Тошлоқ туман ҳокимлиги билан тумандаги «Фар қўрғонча зироати» фермер хўжалиги раҳбари Равшан Кавлонов ўртасида 41,3 гектар ер майдонини узоқ муддатли бериш шартномаси имзоланиб, фермерга катта ишонч билдирилганди. Бироқ хўжалик раҳбари ўзига билдирилган ишончни оқлаш ўрнига, ерни талон-торож қилди. Аниқланишича, фермер хўжалиги 2008 йил ҳосили учун 35,4 гектар ерда пахта хом ашёси етиштириши лозим эди. Лекин Р.Кавлонов белгиланган майдоннинг 32,7 гектарига чигит қадади холос. Қолган 2,7 гектар қисмига ҳеч иккиланмай шоли экиб юборди. Пахтанинг кам экилиши эвазига йил якунида мўлжалдаги ҳосилни ололмай қолиши мумкинлиги, энг асосийси, ўзи жимжимадор қилиб имзо чеккан ер ижара шартномасида ердан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда, шу жумладан, давлат эҳтиёжлари учун контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалик экинлари экилганда ер ижара шартномаси бекор қилиниши унинг хаёлига ҳам келмади. Бу ҳаракати билан у шартномадан ташқари «Ер кодекси»нинг 36-моддаси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг 32-моддаси талабларини ҳам қўпол равишда бузди.

Халқимизда «чиллаки чиллакини кўриб, чумак урибди» деган нақл бор. Буни тумандаги «Яҳёбек» фермер хўжалиги раҳбари Шуҳратжон Аҳмадалиевнинг иш тутуми ҳам тасдиқлади. Аниқроқ қилиб айтганда, бундан беш йил муқаддам фермер билан туман ҳокимлиги ўртасида 60,1 гектар ерни узоқ муддатли ижарага бериш шартномаси тузилган. Ўтган йиллар мобайнида у зиммасидаги масъулиятни ҳис этиб, бинойидек фаолият юритди. Ғалла ва пахта етиштириш бўйича белгиланган шартномавий режаларни ортиғи билан уддалаб келди. Аммо...

Аммо бу йил 23 гектар ерда пахта экиши лозим бўлгани ҳолда 21,5 гектар ерга чигит экди холос. Қолган 1,5 гектар майдонда полиз экинлари палак отди. Бу ҳам етмагандек бошоқли дондан бўшаган ернинг 4 гектарида шоли бўй чўзди. Авжи ҳосил тақдири ҳал бўладиган, қолаверса, аксарият хўжаликлар сув танқислигидан азият чекиб турган маҳали бу ишга қўл уришини қандай тушуниш мумкин?

Табиийки, ҳар иккала фермернинг ҳаракати улар билан тузилган ер ижара шартномасини бекор қилишни тақозо этади. Шунинг учун вилоят адлия бошқармаси томонидан Тошлоқ туман ҳокимлиги манфаатини кўзлаб киритилган даъво аризани вилоят хўжалик суди тўлиқ қаноатлантирди.

Агар рақамларга назар ташлайдиган бўлсак, жорий йилнинг ўтган даврида Фарғона вилоят прокуратураси ва вилоят адлия бошқармаси ҳамда тегишли туман ҳокимликлари томонидан ерни қаровсиз қолдирган, ундан бемақсад фойдаланган, талон-торож қилган фермер хўжаликларини тугатиш юзасидан киритилган 143 та даъво аризалари вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорлари билан қаноатлантирилган. Биз бу рақамларни бежиз келтираётганимиз йўқ. Мақсадимиз «Фар қўрғонча зироати» ва «Яҳёбек» фермер хўжаликлари раҳбарлари сингари фаолият юритаётган «деҳқон»ларни қонуний фаолият юритишга ундаш холос.

Албатта, она заминимиз жуда саховатли. Фақат унга ўз вақтида ва тўғри ишлов берилса бўлгани. Шунда у нафақат деҳқонни, балки бутун элни боқади.

**Акмалжон РАҲИМОВ,**
**Фарғона вилоят хўжалик судининг судьяси**

# Мароқли учрашув



Кеча Республика Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тингловчилари Германия Федератив Республикасидан келган меҳмон, прокурор Андреас Штюве билан учрашдилар. Меҳмон тингловчиларга «ГФРда прокуратура органларининг роли» мавзусида маъруза ўқиди. Сўнгра тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берди.

Суҳбат давомида ҳар иккала давлатнинг прокуратура тизими ва уларнинг фаолияти муқояса қилинди. ГФР прокуратура органлари билан Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари тизими ҳамда фаолиятлари орасидаги баъзи бир тафовутларга қарамасдан ҳар иккала давлат прокуратура органларининг асосий мақсади ҳамда вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш эканлиги таъкидлаб ўтилди.

**Йўлдош ПАРДА**

# Кемалар тўқнашуви

Сешанба куни Эгей денгизида икки кема тўқнашиб кетди, дея хабар қилади «РИА Новости» ахборот агентлиги Туркия ОАВининг хабарларига асосланган ҳолда.

«Морской бюллетень — Совфрахт»да ёзилишича, Украинанинг Dannapris-2 кемаси Озарбайжоннинг Панама байроғи остидаги EMERALD 1 кемаси билан тўқнашиб кетган. Тўқнашув 2 декабрь куни Москва вақти билан соат 22.00 да Дарданелл бўғозига кираверишда содир бўлган.

Озарбайжон кемаси Ейск портига кетаётган ва Украина кемаси Ростовдан Равеннага йўл олаётганда тўқнашиб кетишган.

Тўқнашувнинг сабаблари ҳали номаълум. Аммо воқеа жойига қирғоқ ҳимояси катерлари ва буксир жўнатилган.

# БУРЯТИЯДА ОЛТИН КОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ



«РИА Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, миллий геологоразведка компанияси Бурятияда катта олтин конлари борлигини аниқлади. Унинг захираси қарийб 100 тоннани ташкил этади. Таққослаб кўрадиган бўлсак, Россиядаги энг катта Наталкин олтин-кварц конидаги олтин миқдори тахминан 1836 тоннани ташкил этади. Бурятия олтин кони Бамбуйка Ципа дарёлари ўртасидаги лицензияланган «Перевальный» участкасида жойлашган. Бу участка Москванинг «Геомин Менеджмент» компаниясига қарашлидир. «Геомин Менеджмент» компанияси 2009 йилда ушбу олтин конини қайта разведка қилиши учун 500 миллион рубль ажратган. Миллий геологоразведка компанияси 2007 йилда ташкил этилган эди. Компания қимматбаҳо рангли ва камёб металл конларини ўрганиб чиқиш, ахтариш, разведка қилиш ва эксплуатация қилиш ишларига ихтисослашган. Компания Карелия, Қирғизистондаги, Иркутскдаги ва Оренбург вилоятларидаги олтин конларида иш олиб бориш лицензияларига эга.

# Эрон режалари



Яқин вақтлар ичида Эрон космосга ҳайвонларни чиқармоқчи. Бу ҳақда Эроннинг Presstv.ir сайти Эрон аэрокосмик тадқиқотлар институти раҳбари Муҳаммад Иброҳимий сўзларига асосланиб хабар қилади.

Ҳозиргача Эрон космосга иккита ракетани муваффақият билан учирди. Охирги ракета 2008 йил 26 ноябрда космосга чиқарилди. Эслатиб ўтиш лозим, «Кавошгар-2» ракетасининг ерга тушириладиган капсуласи махсус парашютда барча вазифаларни адо этгандан кейин муваффақият билан ерга қўндирилди.

Иброҳимийнинг сўзларига қараганда, ракеталарнинг навбатдаги авлоди бўлмиш «Кавошгар-3» ва «Кавошгар-4»ларда космосга тирик жониворларни ҳам чиқариш мумкин.

Бу тадқиқотлар Эронга бортида одам бўлган янги космик кемаларни учириш имкониятини яратади.

Эрон маъмуриятининг таъкидлашича, унинг космик дастури тинчлик характерига эга. Аммо Исроил ва АҚШ ҳукуматлари Эроннинг бу ишларидан озгина ташвишга тушиб турибди. Уларнинг айтишича, Эрон узоқ масофадан туриб ҳужум қилиш имконини яратадиган ракеталар устидан иш олиб бораётган эмиш.

# Айблов инкор этилди

Покистон Президенти Асиф Али Зардорий сешанба куни CNN телеканали эфирида тўғридан тўғри чиқиш қилар экан, Ҳиндистоннинг Покистон Мумбайда содир этилган террористик ҳуружларга алоқадор деган айбловини инкор этди. Ҳиндлар томонидан қўлга олинган ягона террорист Азам Амир Касаб Покистон фуқароси эканлигига Зардорий шубҳа билдирди. Зардорийнинг тахминича, Мумбайга ҳужум қилган террористлар маълум бир давлат фуқаролигига эга эмас. Покистон Президенти террористик ҳуружларни тергов қилишда Ҳиндистон билан яқиндан ҳамкорлик қилишни баён қилди. Эслатиб ўтиш лозимки, Ҳиндистон полициясидаги маълумотларга қараганда, Азам Амир Касаб Покистоннинг «Лашкар-и-Тайба» жангарилари қўл остида тайёргарлик кўрган ва Покистон фуқароси саналади. Бундан ташқари, Ҳиндистон разведкасида номлари махфий тутилган манбаларнинг сўзларига ишора қилган ҳолда CNNнинг хабар беришича, ҳужумни амалга оширган 10 нафар террористнинг ҳаммаси покистонлик бўлган. Аммо бу хабар ҳали расмий тасдиқланмади. Сешанба куни Ҳиндистон Мумбайда содир этилган воқеаларга боғлиқ равишда терроризм ҳаракатларида гумон қилинаётган ва ҳозирги пайтда Покистон ҳудудида бўлган 20 кишини, шу жумладан, «Лашкар-и-Тайба»нинг раҳбари Ҳафиз Муҳаммадни Ҳиндистонга беришни талаб қилган.

Зардорий бу талабга аниқ бир жавоб қайтармаган. Покистон Президенти ҳиндлар рўйхатида кўрсатилган кишиларнинг Покистон би-




лан ёки ««Лашкар-и-Тайба» билан қандайдир алоқада эканлигини исботловчи далилларни кўриб чиқишга тайёр эканлигини баён этган.

Аммо Ҳиндистондан керакли ахборотларни ҳали олмаган. Агар Ҳиндистон ишончли маълумотларни етказиб берса, Зардорий уларни қўлга олиб, терроризмда иштирок этгани учун жазога тортишга ваъда берган.

Эслатиб ўтиш керакки, террористларнинг 26 ноябрь куни бошланган ва уч кечаю уч кундуз давом этган Мумбайга ҳужуми давомида 188 киши ҳалок бўлган ва юзлаб кишилар турли даражада ярадор қилинган.

Сешанба куни кечқурун маълум бўлишича, Мумбайга нисбатан террористик ҳуружларни ташкил қилишда «Лашкар-и-Тайба»нинг юқори мансабдор шахси Юсуф Музаммилнинг қўли бор эмиш.

# АҚШда бюджет камомади



АҚШнинг янги сайланган Президенти Барак Обама сешанба куни 2 декабрда АҚШнинг 40 та штат губернаторлари билан учрашди, деб хабар қилади AFP агентлиги.

Обама штатларга молиявий ёрдам кўрсатаман, деб ваъда берган. Учрашув Пенсильвания штатининг Филадельфия шаҳридаги Инденпенденс-холлда бўлиб ўтган. Агентликнинг таъкидлашича, губернаторлар АҚШнинг янги Президентига АҚШ бюджетида 200 миллиард доллар камомад борлигидан ташвишда эканлигини баён этганлар. Обама сўзга чиқиб, у ва унинг командаси режаларида Америка иқтисодини сақлаб қолиш, ўрта синф одамларига солинадиган солиқларни камайтириш, 2,5 миллион янги иш ўринларини барпо этиш борлигини баён этган ва губернаторларга маъмурият билан кенг ҳамкорлик қилишни таклиф қилган.

Бу учрашув арафасида Калифорния штати губернатори Арнольд Шварценеггер штатда фавқулода молиявий ҳолат эълон қилган эди. Калифорниянинг бюджет камомади ҳозирги кунда 11,2 миллиард долларни ташкил этади.

Пенсильвания губернатори Эд Ренделлнинг ОАВга берган баёнотига қараганда, Обама билан учрашувдан мақсад, «Вашингтондан пул тиланишдан» иборат бўлмаган. Учрашувда иқтисодни бухрондан чиқариш дадил қадамлар, инфраструктура объектлари қурилиши бўйича режаларнинг амалга оширилиши муҳокама қилинган.

Йўлларни қуриш ва таъмирлаш ҳозирги кунда штатлар бюджетига 136 млрд. доллар келтириши мумкин деб тахмин қилади Ренделл.

Барак Обаманинг АҚШ иқтисодини бухрондан чиқариш бўйича режасини амалга ошириш учун эса камида 700 млрд. доллар маблағ керак бўлади.

# АВТОБУС ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

«Интерфакс»нинг хабар беришича, Самара вилоятида ичида «Сургутнефтегаз»нинг 14 ходими бўлган микроавтобус ағдарилиб кетган. Воқеа натижасида 1 киши ҳалок бўлган ва 7 киши турли даражадаги жароҳатлар билан касалхонага ётқизилган. Жабрланган кишилардан баъзиларининг ҳовурғаси синган, мияси чайқалган. Бу воқеа «Самара-Пугачёв-Энгельс-Волгоград» трассасининг 111 километрида содир бўлган.




ЙҲХ ходимининг айтишича, ушбу йўл участкаси эрталаб қалин қиров билан қопланган экан.

# Қароқчилар муваффақиятсизлиги

AFP агентлигининг хабар беришича, НАТО ҳарбий кемаси душанба куни Сомали қароқчилари томонидан бешта савдо кемаси олиб кетилишининг олдини олиб қолди.



Италия ҳарбий денгиз кучлари эсминеци «Луиджи Дуранд де ла Пенне» савдо кемаларини қароқчиларнинг ўғирлаб катерларидан ҳимоя қилди. Унинг бортидаги вертолёт ҳам ҳимоя ишларида ўзини кўрсатди. Бундан ташқари, савдо кемалари ходимлари қароқчиларни қувиш учун брандспойтларни ишга солдилар. НАТО вакилининг хабар беришича, Италья кемаси қочаётган қароқчиларнинг орқасидан қувиб ўтирмасдан, савдо кемаларини ҳимоя қилиб бораверди. Қўриқланаётган кемалар Либерия, Антигуа, Барбуд, Гонконг, Эрон ва Сингапур байроқлари остида фаолият кўрсатаётган савдо кемалари эди.

Аден бўғози орқали ўтадиган барча кемаларни НАТО нинг 4 та, яъни Буюк Британия, Греция, Италия ва Туркия кемалари ҳимоя қилишади.

Россия ҳарбий денгиз кучлари Сомали қирғоқларига Болтиқ флотининг «Неустрашимый» қўриқчи кемасини жўнатган.

# Кўринмас самолёт яратилди

Эрон маъмурлари рақибнинг радарларига кўринмайдиган қирувчи самолёт яратилганлигини маълум қилди, деб хабар беради Эроннинг Press TV ахборот агентлиги.

Эрон ҳарбий ҳаво кучлари қўмондони Ҳасан Шоҳ-Сафий миллий радиода чиқиш қила туриб, Эрон ҳарбий конструкторлари кўринмас самолётни қуриш ишларини бошлаб юборганлигини маълум қилган. Таъкидлаш лозимки, бу самолёт Эрон авиация саноатида Stealth технологияси бўйича яратилган биринчи самолёт бўлади. Хабар берилишича, самолётнинг устки қатлами махфий қоплама билан қопланади. Бу қоплама рақиблар радарларининг радио тўлқинларини самарали равишда «ютиб юборади».



Бригада генерали Ҳасан Шоҳ-Сафий 2009 йилнинг март ойидан бошлаб бундай кўринмас самолётлар давомли равишда ишлаб чиқилиши мумкинлигини баён этган.

Reuters ахборот агентлигининг 1 декабрь душанба куни берган хабарига қараганда, Эрон ҳарбий авиацияси «ҳаво-ҳаво» русумидаги янги ракета синовларини ниҳоясига етказган. Аммо Ғарб аналитиклари Эрон саноати ҳали бундай имкониятларга эга эмас деб, шубҳа билдирмоқдалар.

**«Internet» хабарлари асосида Йўлдош ПАРДА тайёрлади**

**Газетамизнинг навбатдаги сони 18 декабрда чиқади.**

Мустақилликнинг илк кунлариданоқ оиланинг жамиятда тутган ўрни ва иштирокини янада ошириш, давлат томонидан оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини қўллаб-қувватлаш, соғлом оила вужудга келиши учун барча шароитларни яратиш, оилани мустаҳкамлаш ва маънавиятини юксалтиришга оид ислоҳотларнинг тизимли, босқичма-босқич амалга ошириладиган стратегияси белгилаб олинди.

Оила институтини жамиятнинг бошқа муҳим ижтимоий тузилмалари билан, юртимиздаги маънавий-маърифий ўзгаришлар билан уйғун тарзда ривожлантириш, нуфузини ошириш масаласи давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Унга асосан оила манфаатларини ҳимоя қилишнинг қуйидаги устувор йўналишларида ислоҳотлар амалга оширилди:

1) оилаларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунчилик асосларини яратиш ва ривожлантириб бориш;

2) оила манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ зарур институционал тузилмаларни яратиш;

ликаси Конституциясининг учинчи бўлим XIV боби «Оила» деб номланиб, унга тўрт модда, яъни 63-66-моддалар ажратилди.

Мазкур бобда жамиятнинг асосий бўғини саналмиш оила, оналик ва болаликнинг жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги, ҳеч қайси давлат конституциясларида учрамайдиган, ўзлигимизга хос хусусиятлардан келиб чиқиб, ота-оналар фарзандларини вояга етгунича боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилиши конституциявий мажбурият сифатида белгиланди.

Оилага оид конституциявий асослар кейинчалик Оила кодексида ривожлантирилиб, унда никоҳ, қон-қариндошлик ва болаларнинг насл-насабини белгилаш, ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар иштирокидаги оилавий муносабатларни тартибга солишга оид қоидалар белгиланди.

аммоларни ҳал қилиш устувор вазифалар сифатида қаралиб, 1998 йил — «Оила йили» деб эълон қилингани оила манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишини ташкил қилаётганини яна бир бор тасдиқлади. Шу маънода, 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши бу йилларнинг барчасини ўзининг чуқур инсоний маъно ва фалсафаси, ижтимоий йўналиши билан ўзаро узвий боғ-

минлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимизга айланишини истардим» деб ёзади. Шу маънода айтиш мумкинки, оила — халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир.

Оила — жамиятнинг кичик бўғини, соғлом ва баркамол



бир қатор вазифаларни қўймоқда. Хусусан, ФҲДЁ органлари томонидан миллий қадриятларимизда алоҳида ўрин тутган никоҳ масаласида белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтиб, унинг натижалари билан ўзаро таништириш, йигит ва қизнинг соғлиғи ва оилавий аҳволи тўғрисида маълумота эгалиги, келажакда эр-хотин ва отаона сифатидаги ҳуқуқ ва бурчлари, никоҳ масъулияти, ҳуқуқ ва мажбуриятлар тенглиги, муқаддас риштанинг ўзаро келишув ва келажакка ишонч билан қонуний тартибда боғланиши бўйича ёшларимизга тушунтириш беришни самарали ташкил қилиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда авваламбор, оиланинг муқаддаслиги ҳамда никоҳ масъулияти бўйича келажакда эр ва хотин бўлаётган ёшларнинг тафаккурини, онгини бойитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, оила қуриш масаласи шахсий, хусусий доирадан чиқиб, ижтимоий аҳамият касб этиши тушунтириб берилмоқда. Иккинчидан, энди вояга етаётган болалар, авваламбор қизларимиз онгида оналик масъулияти, ўғилларимизда эса ота бўлиш масъулиятини шакллантириш, бунга

# ОИЛА МАНФААТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

3)оилаларга ҳар томонлама, ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа соҳаларда кўмаклашувчи, фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам берувчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

4) оила ва жамият муаммоларига, уларнинг ечимига оид ўқув-услубий қўлланма, илмий-оммабоп рисолалар яратиш;

5) оилалар маънавиятини юксалтириш;

6) оилага тааллуқли бой ва сермазмун миллий анъаналарни авайлаб-асраш, уларни умумбашарий қадриятлар билан уйғунлаштириш, оила ва никоҳнинг муқаддаслигини ёш авлод онгига чуқур сингдириш йўли билан оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш;

7) ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган оилаларга давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатиш;

8) оила аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

9) оила фаровонлигини ошириш учун зарур ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтириш.

Мазкур ислоҳотларнинг асосий мақсади оилаларнинг ижтимоий шаклланиши ва соғлом ривожланиши, жамият тараққиётида, маънавий баркамол ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашда оиланинг ўрнини янада ошириш учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборат бўлди.

Шу маънода оилаларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишни кафолатловчи қонунчилик асосларини яратиш ва ривожлантириб бориш борасида 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган мустақил Ўзбекистон Респуб-

Шунингдек, мазкур соҳада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4 та фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 15 та қарори, унга яқин идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд. Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, мамлакатимизда оиланинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, бу сода етарлича қонунчилик асослари яратилди.

Президент Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асарида бу масаланинг муҳимлигига эътибор қаратиб қуйидагиларни таъкидлайди: «ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар — яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила ўчоғида қарор топиши табиийдир».

Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган отаонага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

Айниқса, чуқур мантиққа асосланган ҳолда ҳар бир йилга ном беришда инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, жамиятимизда тинчлик ва осойишталик, меҳр-оқибат, инсонпарварлик муҳитини мустаҳкамлаш, кўпчиликни уйлантираётган долзарб му-

лаган ҳолда ҳамда ўтган йилларда амалга оширган ишларни изчил давом эттириш ва янги босқичга кўтариш мақсадида ёш оилаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу мақсадлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 февралдаги қарори билан тасдиқланган «Ёшлар йили» Давлат дастури ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узлуксиз таълим тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш каби вазифаларни ҳал қилишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Масалан, биргина ёшлар ва оила масаласини оладиган бўлсак, мазкур йўналиш ҳам дастурнинг энг муҳим, устувор масалаларидан ҳисобланади. Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида: «Ёшлар йили» дастури ҳақида гапирганда, ёшлар сиёсати масалаларини таҳлил этаётганда биз ёш оилаларнинг эҳтиёж ва талабларига алоҳида эътибор қаратишимиз керак» деган эди.

Мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар аҳолининг 40 фоизини ташкил этишини эътиборга оладиган бўлсак, мамлакатимизда бўлажак ёш оилаларни оилага тайёрлаш ҳамда юртимиздаги жами оилаларнинг 16 фоизини ташкил қилувчи ёш оилаларнинг барқарор фаолият юритиши учун улкан ишларни амалга ошириш лозимлигининг яққол гувоҳи бўламиз.

Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асарларида «...ёшларимизни ҳар томонлама соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъ-

авлодни камолга етказувчи табаррук маскан ҳисобланади. Инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъбирлари билан айтганда, «Оила қуриш деган ифақат икки инсон ўртасидаги шахсий муносабат эмас, балки жамиятнинг асосини, айтиш мумкинки, энг муҳим бўғинини белгилайдиган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади».

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ёшларимизга оила қуриш нақадар муҳим ва масъулиятли эканини англатиш, соғлом оилани шакллантириш ва оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш учун зарур шарт-шароит яратиш, ёшларни оила қуришга тайёрлаш, оилалар мустаҳкамлигини ва манфаатларини таъминлаш, соғлом фарзанд ўстириш, тарбиялаш ва вояга етказиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Бунинг исботи ўлароқ «Ёшлар йили» Давлат дастурида амалдаги норматив-ҳуқуқий базани, унинг ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид қисмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида никоҳдан ўтувчи ёшларнинг тиббий кўрик билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, ҳар бир вилоят марказида «Ёш оила» марказларини ташкил этиш, кам таъминланган оилаларнинг тўй ва оилавий тантаналарини ўтказишга кўмаклашиш каби эзгу вазифалар белгилаб қўйилди. Жойларда ёш оилалар учун тўрт қаватли, ҳар бири 32 хонадонли бўлган 67 та уй, шунингдек, Андижон шаҳрида замонавий «Бахт уйи» қуриш белгилаб қўйилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда «Ёшлар йили» Давлат дастури ФҲДЁ органлари олдига ҳам

уларни тайёрлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Учинчидан, ёш оилаларнинг ҳуқуқий саводхонлигини тубдан яхшилаш ва ҳимоялаш, оилада боланинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилиниши бўйича тадбирлар ташкил қилинмоқда,

Турли давра суҳбатлари, семинарлар ташкил қилиниб мутахассислар ёрдамида ушбу масалаларнинг маънавий-ахлоқий, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлари, тиббий нуқтаи назардан ёшларни катта ҳаётга тайёрлаш, балоғат ёши билан боғлиқ биологик, физиологик ўзгаришлар ҳамда бу даврда улар ўзларини қандай тутишлари, нималарга эътибор беришлари лозимлиги, қариндошуруғчилик асосида оила қуришнинг зарарли оқибатлари, қолаверса санитария, шахсий гигиена масалалари батафсил тушунтириб берилмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, бундан 16 йил аввал қабул қилинган ва барчамизнинг ҳуқуқий суянчимиз ва таянчимиз бўлган Конституциямизнинг шарофати билан мамлакатимизда оила институтини ҳимоя қилиш мақсадида тегишли ташкилий-ҳуқуқий асослар, қонуний негизлар тўла шакллантирилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом оиланинг дунёга келиши юрт ва миллат тақдирига дахлдор масаладир. Шундай экан, Президентимиз таъкидлаганларидек соғлом оила вужудга келиши учун, энг аввало, жамият ва давлат қайғуриши, шунга замин яратиб бериши лозим. Шундагина мустаҳкам оила дунёга келади. Оила соғлом бўлса, жамият соғлом, мамлакат қудратли, юрт тинчосойишта, халқ эса бой бўлади.

**Ўктамхон ҚОДИРОВА,**
**ҳуқуқшунос**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЛИЙ ТЕХНИК МАКТАБИ ЖАМОАСИ







**Мустақил Ўзбекистонимизнинг Асосий Қонуни - Конституциямиз қабул қилинганлигининг 16 йиллиги ҳамда яқинлашиб келаётган қадрли байрамларимиздан бири - Қурбон ҳайити билан барча ватандошларимизни муборакбод этади.**

**Тилагимиз - она юртимиз тинч, элимиз ҳамиша омон бўлсин. Ўз юртини севадиган, қонунларимизни ҳурмат қиладиган ҳар бир инсон мамлакатимизнинг гуллаб-яшнашига ҳиссасини қўшаверсин!**



**Лола билан Муродали (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бир пайтлар бир-бирисиз яшолмаслигини такрор-такрор айтишдан чарчашмасди. Севги, муҳаббат икки кўнгилни бир-бирига боғлаб турарди. Аввалига икки ёшнинг турмуш қуриш аҳдига ота-оналар қарши бўлишди. Аммо Лола билан Муродалининг тўйлари бўлиб ўтди.**

**Эр-хотин қарийб 10 йил бир-бирига сирдош, маслакдош бўлди. Ҳавас қилса арзигулик оила эди. Ўртадаги илиқ муносабатлар меваси ўлароқ икки нафар фарзанд дунёга келди.**

**Оилада нималар бўлмайди, дейсиз?! Гоҳо хурсандчилик, гоҳида жанжал. Аммо, охирги пайтларда қандайдир сабаб билан Муродалининг юриш-туриши ўзгарди. Оиласида тез-тез жанжал кўтарадиган одат чиқарди. Қўни-қўшнилар ҳам бу жанжаллардан безор бўлган, лекин «эр-хотиннинг уруши дока-рўмолнинг қуриши» деган нақлга амал қилибми, кўп ҳам уларни муросага келтириб қўйишга ҳаракат қилишмасди. Афсуски, улар ўртасидаги бу сафарги жанжал сўнгиси бўлди, бир умрга доғ бўлиб қолди.**



# БИР УМРЛИК ДОҒ

Баҳорнинг охирги куни. Кечқурун тахминан 19.30 лар. Ширакайф Муродали эндигина уйга кириб келганди.

— Адаси, эртага байрам. Болалар куни экан. Айлантиришга олиб чиқасизми? Шу баҳона биз ҳам кўча-кўйни кўрардик — деди Лола киноя аралаш.

— Майли. Байрамни ҳозир кафега бориб нишонлаймиз. Эртага ишларим кўп. Болаларни айлантиришга ўзинг олиб чиқарсан. Уларни кийинтир. Иммиламай тезроқ бўл.

Муродали хотинига буйруқ бериб, машинани ўт олдирди.

Улар Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманидан Тошкент шаҳри томон оилавий бўлиб йўл олишди. Йўл-йўлакай Тошкент шаҳри Водник даҳасида яшовчи қайнонасининг уйига ҳам киришди.

Лоланинг онаси Муяссар опа қизи, куёви ва невараларини кўриб, қувончи ичига сиғмади.

— Ўғлим, тузукмисиз?! Эртага сизларникига борсаммикин, деб ўйлаб тургандим. Невараларимни жуда соғингандим. Мана, йўқлаб келдиларингиз.

— Онажон, сизни кафега таклиф қилгани келдик. Биз билан юринг.

Муяссар опанинг «йўқ» дейишига қарамай, неваралари қўярда қўймай ўзлари билан олиб кетишди.

Тахминан кечки соат тўққизларда улар Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги «Янгийўл табакаси» кафесига етиб келишди. Кафега кириб, буюртма беришди. Бир пайт кафега Лоланинг синглиси Камола турмуш ўртоғи Ҳумоюн билан кириб келди. Стол кенгайтирилиб, яна буюртмалар берилди. Божалар хурсандчиликни спиртли ичимликлар билан давом эттиришди.

Кафеда мусиқа садолари янграрди. Аёллар рақсга тушиш учун бир бирини торта бошлади. Рақсга тушаётган аёлларни кўрган бегона эркаклар уларнинг ёнига келди. Муродали ҳам уларнинг ёнига бориб, бошқа қиз билан рақсга туша бошлади. Лола эрининг бу ишидан ранжиб, кўзи билан бир нималарни имлаган бўлди. Лекин Муродали бунга аҳамият ҳам бермади. Ота-онасининг рақсга тушишини томоша қилишдан зериккан Фарҳод йиғлашга тушди. Лола ўйиндан чиқиб, уни юпатишга уринди. Бу орада Муродалининг бақир-чақир овози эшитилди. Ўтирганларнинг тинчи бузилди. Кафенинг қўриқчи йигитлари уришиб турган 5-6 нафар эркакни ташқарига чиқариб юборди. Кўп ўтмай Ҳумоюн билан Муродали кафега қайтиб келди. Лола эрининг аҳволини кўриб асабийлашди:

— Ойда-йилда бир марта кўчага чиқарасиз, шуни ҳам бурнимдан чиқардингиз. Уйга кетамиз...

Лола болаларни кийинтириб, машинага бориб ўтириб олди. Муродали кафеда ҳисоб-китоб қилиб чиқиб, Камола ва Ҳумоюн билан хайрлашди. Шу пайт:

— Почча, бугун «зўр томоша» кўрсатдиларингиз. Энди биз ҳам уйга қайтамиз... — деди Камола.

Камола билан Лоланинг зада гаплари Муродалининг баттар жаҳлини чиқарди. Машинасининг олдига келиб, қайнонаси ва оиласига бақириб кетди.

— Ҳамманг туш машинадан. Ўзларинг кетасанлар!

— Тушмаймиз. Жанжални давом эттирмоқчимисисиз?! Сиздан ҳеч қаерда тинчлик йўқ эканда ўзи, — деди Лола.

Муяссар опа қизи билан куёвини тинчлантиришга ҳаракат қилди. Эр-хотиннинг жанжали гўё босилгандек бўлди. Куёвининг гапларидан ранжиган Муяссар опа йўлда бошқа машина тўхтатиб, уйига ўзи кетди.

* * *

Муродали маст ҳолда рулга ўтириб, машинани юргизди. Йўл-йўлакай у Лолани куракда турмайдиган сўзлар билан сўкиб борарди.

— Қайси йўлдан ҳайдаяпсиз. Уйимизга бошқа йўлдан бориладику!

— Э-э, миясини еган хотин! Дала-ҳовлимиз борлиги эсингдан чиқдими? Ўз хотинимни қаерга олиб борардим? Янги ҳовлидаги қурилишдан хабар олиб келамиз! Тушундингми?

Тахминан тунгги соат 2.00 ларда улар Юқоричирчиқ тумани Ийк ота қишлоғидаги дала-ҳовлисига келишди. Дарвозани Фурқат исмли мардикор йигит очди. Машинада ўтирган болалар ота-онанинг жанжалидан безиб қолишганди. Муродали фарзандларининг машинадан тушиб, уйга киришларини буюрди.

Кейин эса... Эр-хотин жанжални давом эттирди. Аёлнинг гапларидан асабийлашган Муродали ўзини бошқаролмай қолди. Лолани сочидан судраб, уришни бошлади.

Мардикор йигит уларни ажратмоқчи бўлди-ю, эплай олмади...

Ота-онасининг жанжалидан қўрқиб, деразадан кузатиб турган болалар телефон томонга югурди. Зилола мактаб ўқувчиси бўлгани учун эпчилроқ эди. У телефон гўшагини олиб, холаси Камолага қўнғироқ қилди.

— Алло! Ким бу?! — Камола тунги қўнғироқдан чўчиб кетди.

— Хола!.. Адам ойимни ўлдириб қўяди! Бизникига келинг!

Камола жияни Зилоланинг овозини таниди.

— Зилола, йиғламасдан гапир. Қаердасизлар?

— Дала-ҳовлидамиз! Хола, тез келинг...

— Хўп, асалим, ҳозир бораман. Сизлар уйдан чиқмай ўтиринглар...

Тунги қўнғироқдан уйғониб кетган Ҳумоюн ётоқхонадан меҳмонхонага чиқди. Кўзларини ишқалаб хотини ким билан гаплашаётганига қизиқиб сўради:

— Ким экан? Ярим тунда ким билан гаплашаяпсан?

— Зилола экан. Опамнинг уйида жанжал бошланибди.

— Шу поччанг билан опангни жанжали ҳеч тугамаса-да! Қачон уларга ақл киради-а?

— Опамникига олиб боринг.

— Бўпти, бор тез кийиниб чиқ!..—эриниб жавоб берди у.

* * *

Қўшни ҳовлида Лоланинг укаси Шукур турарди. У опасининг ҳовлисидаги бақир-чақир овозлардан безовталаниб чиқмоқчи бўлганди, аёли Гулсора йўлини тўсди.

— Дадаси, ярим тунда қаёққа кетаяпсиз?

— Жанжални эшитяпсанми? Хабар олиб келмоқчиман!

— Қўйинг, чиқманг. Уларнинг жанжали ҳеч қачон тугамайди. Эр-хотиннинг жанжалига аралашманг. Ўзлари тинчланиб олишади.

— Бу жанжал ҳали бери тугайдиганга ўхшамайди. Ишқилиб охири яхши бўлсин-да... Сен уйга кир! Ўзим хабар олиб келаман.

Шукур дарвозани тақиллатмоқчи бўлганди қия очиқ экан. Тўғри кириб бораверди. Ҳовлининг ўртасида поччаси опасининг сочидан судраб ураётган эди. Уларни ажратмоқчи бўлганди Муродали қайнукасини ҳам мушт билан сийлади. Опасини ҳимоя қилиш учун Шукур поччаси билан олишиб кетди. Бир пайт Муродали қайнукасини бўға бошлади. Лола уларнинг муштлашишига қараб туролмай, ерда ётган таёқни олиб эрининг бошига ура бошлади. Бошига тушган калтакдан Муродали баттар вахшийлашди. Қайнукаси қолиб, хотинини қувлаб кетди. Эридан қўрққан Лола ошхонага қараб югурди. У ошхонадан пичоқни олиб, эшик орқасига ўтиб олди. Муродали Лоланинг орқасидан ошхонага кирган маҳал тўсатдан бўйнига санчилган пичоқ зарбидан ерга йиқилди. У ерга «гурс» этиб йиқилганидан сўнг жанжал овозлари ҳам тинди. Аммо қўллари қонга бўялган Лоланинг кўзига ҳеч нарса кўринмай қолганди. Ҳар сафар пичоқ санчганида ғудранарди:

— Мана сенга! Мана буниси азоблаганларинг учун, мана буниси эса урганларинг учун!

Шу алфозда у эрининг қорни, кўкрак қисмига бир неча маротаба пичоқ суқиб олди.

Кўп ўтмай ҳовлига Камола билан Ҳумоюн кириб келди. Холасининг келганини кўрган болалар уйдан югуриб чиқишди.

— Хола! Нимага тез келмадингиз?

— Қурғур машинамиз... Ойинг қани? Кўринмайди?

— Адам билан ойим ошхонага кириб кетишди...

Поччасининг овози чиқмаганидан Шукур ошхона томонга югурди. Не кўз билан кўрсинки, опасининг қўлида пичоқ, поччаси эса қонга беланган ҳолда ётарди.

— Опа! Нима қилиб қўйдингиз?! Ҳумоюн почча бу ёққа келинглар! — у бор овози билан ҳаммани чақира бошлади.

Лола карахт бўлиб қолганди.

* * *

Шукурнинг опасиникига чиқиб кетганидан сўнг Гулсора қайнонасига сим қоқди. Муяссар опа келинининг қўнғироғидан юраги ғаш бўлди.

— Қизимнинг оиласига кўз тегканми, нима бало?! Қачон қарама жанжал қилишгани қилишган. Севишиб турмуш қурганларнинг аҳволига қаранг. Бу тўйга бошданоқ қарши эдим-а, — Муяссар опа ўзига-ўзи гапирар эди.

Шу алфозда ярим тун Тошкентдан Юқоричирчиққа йўл олди. Таксида Муяссар опа ўзини ёмон ҳис қила бошлади. Ҳайдовчи буни кўриб, қизиқиб сўради:

— Хола, аҳволингиз яхшими? Ярим тунда йўл бўлсин?

— Э, ўғлим, сўраманг! Фарзандлари тинч бўлмаган ота-онанинг ҳаловати бўлмас экан.

— Болаларингиз катта бўлса керак?

— Катта бўлмай кетсин. Ҳеч ақл кирмади уларга. Болалари ҳам бор. Аммо оиласида тинчи йўқ.

— Шунга сарсон бўлиб ярим тунда бораяпсизми? Эр-хотиннинг жанжалига аралашмаганингиз маъқул. Тағин ўзингиз биласиз...

— Болам, илтимос тезроқ ҳайданг... — гапни қисқа қилди Муяссар опа.

Ҳайдовчи Муяссар опани айтилган манзилга олиб келди. Онахон машинадан тушиб, қизининг уйига шошилди. Дарвоза олдида «тез тиббий ёрдам», «милиция» машинаси ва тумонат одамларни кўриб, Муяссар опани ваҳима босди. Ишқилиб тинчлик бўлсин-да, дея дарвозадан кирганини билади, холос. Бўлиб ўтган воқеалардан хабар топган Муяссар опа ҳушидан кетди. Онасининг маззаси қочиб, ҳушидан кетганини кўрган Лоланинг ўзи ҳам ҳушидан кетиб қолганди.

* * *

Эртаси кунга маҳаллада гап тарқади: «Лола эрини сўйиб қўйибди!». Шифохонага олиб кетилган Муяссар опа реанимацияга ётқизилганди. Лола ҳушига келганида нималар қилиб қўйганини эслаб, пушаймон бўлди. Аммо энди вақтни ортга қайтариб бўлмайди.

Ушбу иш юзасидан жиноят иши қўзғатилди. Жиноят иши бўйича бир қанча гувоҳлар сўроқ қилинди.

Марҳум Муродалининг отаси Неъматилла аканинг берган сўроқ кўрсатмасидан:

**«Келиним Лола билан ўғлим Муродали 10 йилдан буён бирга яшаб келишарди. 2005 йили келинимнинг синглиси Камола Дубайга бориб келди. Ана шундан бери келиним ҳам ўзгариб, Дубайга боришни хоҳлаб қолди. Шундан бери уйларида тез-тез жанжал бўлиб турарди. Бир сафар ўғлим қаттиқ жанжал қилиб, бизникига келди. Ундан сўраганимда, «келинингиз эски «қўшиғи»ни бошлаган эди, паспортини йиртиб ташладим» деди. Бўлиб ўтган воқеаларни келиннинг онасига айтдим. Аммо қудамиз бунга аҳамият ҳам бермади...»**

**Сабабсиз оқибат бўлмайди. Оиладаги жанжалларнинг сабабчиси оила аъзоларининг ўзидир. Хонадон тинчлигини сақлашга, фаровон турмуш кечиришга, айниқса, эр-хотин масъулиятлидир. Тинчлиги бўлмаган оилаларда фаровонлик йўқолади. Лоланинг феъл-атворидаги ўзгариш, сабр-қаноатнинг йўқолиши туфайли Муродалининг мунтазам ичиши ва оиладаги жанжалларнинг юзага келишига сабабчи бўлган десак муболаға бўлмаса керак.**

Мазкур жиноят иши юзасидан суд ўз ҳукмини эълон қилди. Лола Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 97-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Оила қадимдан муқаддас ҳисобланган. Зеро, оила жамиятнинг бир бўғини. Бу бўғинга дарз кетса, жамиятга ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

**Хислат КЕНЖАЕВ,**
**Юқоричирчиқ тумани прокурорининг ўринбосари**
**Гули ҲОЖИБОЕВА,**
**«Ниqиq» мухбири**


«Ўзкимёсаноат» ДАК
Ўзбекистон халқини ва меҳмонларини мустақил Республикамизнинг Асосий Қонуни - Конституциямизнинг 16 йиллиги муносабати билан самимий муборакбод этади.
Сиз, азиз юртдошларимизга тинчлик-омонлик, фаровонлик ва оилавий бахт тилайди.
Конституциямизда белгиланган ҳуқуқий-демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ишларингизда Яратганнинг Ўзи мададкор бўлсин!
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ
16 yil


очиқ акциядорлик тижорат
«ҒАЛЛАБАНК»
Юртдошларимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан муборакбод этади ҳамда янги юқори фоизли ва муддатли омонатлар турлари қабул қилинганлигини эълон қилади.
Ушбу омонатларга йиллик 18 фоиз миқдорида устама фоизлар ҳисобланиб, фоизлар ўзгарувчан шартлар асосида (олдиндан, ҳар ой, ҳар икки ой, ҳар чорак ва омонат муддати якунида) тўлаб берилиши кўзда тутилган.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ
Депозит ҳисобварақлардаги омонат суммаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057 сонли «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ тўлиқ кафолатланади.
Омонатларга маблағлар Ғаллабанкнинг барча филиалларида қабул қилинади.
Маълумот учун телефонлар: 233-71-72, 236-74-30, 233-98-80; www.gallabank.com
Ғаллабанк хонадонингизга барака келтирсин!

# «Ўзнефтегазқазибчиқариш»

## АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ




**Ватандошларимизни 8 декабрь - Асосий Қонунимиз қабул қилинганлигининг 16 йиллиги билан қутлайди.**




**Қутлуғ айём арафасида барча юртдошларимизни яна бир муборак байрам - Қурбон ҳайити билан муборакбод этади.**

**Қонунчиликни мустаҳкамлашда, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот соҳасида жонбозлик кўрсатаётган барча ходимларга шарафли ва масъулиятли ишларида улкан муваффақиятлар тилайди.**

**Эрк ва озодлик қуёши юртимиз осмони узра мангу порлайверсин!**

**Huquq**
yuridik gazeta

Ta'sischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
*Jahongir MAKSUMOV*

Tahrir hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahriddin VALIYEV, Baxtiyor NAZAROV *(Bosh muharrir o'rinbosari)*, Svetlana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV *(mas'ul kotib)*

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-82, 233-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks:233-64-85, 233-10-53.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi – 231

Buyurtma Г — 1155. 18 528 nusxada bosildi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Navbatchi muharrir: Z.MAMADALIYEV
Musahhih: A.MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMK bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 21.00. Topshirildi: 21.30 1 3 4 5 6 7 8